БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 14 (11763). | Сешанба, 17 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАБРИК

МОСКВА, 14 январь. (ТАСС). Бугун СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг Қоҳирада тўпланган биринчи конференциясига табрик юборди.

Сизларнинг конференциянгиз, дейилади табрикда, воқеалар барқ урган ва бахтли бир вақтда ўтаётир. Кечагина кенг мустамлакалардан иборат бўлган тюрьманинг мудҳиш азобхоналари барбод бўлмоқда, бу мустамлакаларда хотин-қизлар чўри бўлиб, нодонликда, ҳуқуқсиз ҳолда ва муҳтожликда яшар эди.

Н. С. Хрушчев табригида айтиладики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мустамлака мамлакатларга ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисида яқинда қабул қилган декларацияси бутун прогрессив инсониятнинг катта ғалабасидир. Бироқ, дейилади табрикда, ҳозирги вақтда Жазоирда, Конгода, Лаосда, Кариб денгизи районида бўлаётган воқеалар мустамлакачиларнинг таслим бўлмаганликларини исботламоқда.

Хрушчев, Осиё ва Африка мамлакатларининг хотин-қизларига мурожаат қилиб қуйидагиларни ёзади: «Мустамлакачилик режимининг даҳшатларидан шу қадар кўп жафо тортган сизлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мустамлакачиликни буткул тугатиш тўғрисидаги қарори қоғоздагина қолиб кетишига йўл қўя олмайсиз. Мустамлакачиларнинг муқаррар қаршилик кўрсатишларига қарамай, бу қарор амалга оширилиши лозим. Бу эса, сизларнинг хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва бахт-саодати учун олиб бораётган адолатли курашингизга тағин ҳам кенг йўл очиб беради».

КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ!

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 16 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Эрталабки мажлисда Л. Н. Ефремов (КПСС Горький область комитетининг секретари), Т. А. Акунов (Қирғизистон ССР, Тянь-шань областидаги «Пограничник» колхозининг раиси), К. К. Николаев (меҳнаткашлар депутатлари Свердлов область Совети ижроия комитетининг раиси), Г. Н. Гарифуллин (Татаристон АССРдаги Тўқай номли колхознинг раиси), В. В. Скрябин (Украина Компартияси Запорожье область комитетининг секретари), А. С. Колесников (Краснодар ўлка, КПСС Қаневский район комитетининг секретари), Д. А. Махсутов (Доғистон АССРдаги «Червленние Буруни» совхозининг старший чўпони), Г. И. Ткачук (Хмельницкий областидаги «Украина» колхозининг раиси), Л. Я. Флорентьев (КПСС Кострома область комитетининг секретари), А. А. Чусляев (Саратов областидаги Мичурин номли колхознинг раиси) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

13 январда Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Кун тартибидаги иккинчи масала — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида масала муҳокама қилинди.

Пленум мажлиси Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Я. Н. Заробяннинг доклади билан бошланди.

Ўртоқ Я. Н. ЗАРОБЯН доклади

Минбарга Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Я. Н. Заробян чиқади.

Н. С. Хрушчев. Грузия ва Қозоғистонда бўлганидек сизларда ҳам қўйлар кўплаб сўйиб юбориляпти шекилли?

Я. Н. Заробян. Ҳозирча бу масалада қолишадиган жойимиз йўқ.

Н. С. Хрушчев. Кабобни яхши кўрасизларми?

Я. Н. Заробян. Ҳозирча бу ҳақда гапиришга вақт эрта, бу вақтда кабоб ейилмайди.

Н. С. Хрушчев. Бу вақтда кабоб ейилмайди, лекин қўйларни кўплаб сўйиб юбора берсангиз, кабоб ейдиган вақт келганида ҳеч нарса қолмаслиги мумкин.

Я. Н. Заробян. Мен бу ҳақда гапириб бераман.

Н. С. Хрушчев. Хўш, сизнинг ёш, янги овозингизни эшитайликчи.

Арманистон партия Марказий Комитети ва Министрлар Совети, дейди Ўртоқ Заробян. Пленумга тайёргарлик кўриб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўз ишларини танқидий нуқтаи назардан анализ қилиб чиқдилар. Республика лавлагикорлари ва пахтакорлари ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар — ўз мажбуриятларини қанд лавлаги бўйича 106.8 процент ва пахта бўйича 106.2 процент бажардилар. Бу экинлар бўйича биз ўтган йили 1965 йил учун белгиланган даражага эришдик.

Нотиқ айтадики, республикада гўшт, сут, тухум етиштириш 1959 йилга нисбатан бирмунча кўпайди. Давлатга гўшт ва сут сотиш плани ошириб бажарилди. Ўртоқ Заробян колхоз ва совхоз фермаларининг ажойиб моҳир кишилари номини тилга олади.

У айтадики, Шаумян районидаги Сталин номли колхознинг республикада донг чиқарган сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Арманистон ССР Олий Советининг депутати Ашхен Аветисян 1959 йилда ўзига биркитилган 12 бош сигирнинг ҳар биридан 5581 килограммдан, 1960 йилда эса 5823 килограммдан сут соғиб олди. Горисск районидаги Хиндзореск колхозидан комсомол аъзоси Тунян Мелик 369 совлиқдан 470 қўзи олди ва ҳар бош қўйдан 5.4 килограммдан жун қирқиб олди.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Заробян, бу кишилар қўшимча иш ҳақи оладиларми ёки олмайдиларми?

Я. Н. Заробян. Албатта оладилар.

Н. С. Хрушчев. Меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса демаётир. Сизлар фақат маънавий омиллар асосида коммунизмга бормоқчимисизлар? Маънавий омиллар яхши, лекин моддий асос бериш керак. Бу омилларнинг қўшиб олиб борилиши олга ҳаракат қилиш учун яхши шароитлар яратади.

Я. Н. Заробян. Тўғри.

Нотиқ афсус билдириб айтадики, илғорлар тажрибаси ҳали ҳам яхши ёйилмаётир ва жорий қилинмаётир. Республикада қишлоқ хўжалигига раҳбарлик соҳасида кўп камчиликлар бор. Чорва сони камайди, сигирларнинг кўпайиш суръати сусайди. Зоотехника ва ветеринария хизмати соҳасидаги жиддий камчиликлар туфайли ўтган йили колхоз ва совхозларда қўйларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди.

Ҳа, ўртоқлар, дейди нотиқ, бунинг учун бизда ҳеч қандай сабаб йўқ. Бу нарса бизнинг ёмон ишлаганлигимиз ва бепарволигимиз натижасида рўй берди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг суст ўсишидаги асосий сабаблардан бири шуки, Арманистон бу маҳсулотларни асосан ёзги яйлов вақтида олади, қиш фаслида моллар молхонада боқилган вақтда бу маҳсулотларни жуда кам етиштиради. Республика бу аҳволни тугатиш учун бу йил озуқа экинлари — маккажўхори, ем бўладиган экинлар ва бошқа экинлар майдонини кенгайтирмоқда. Пичанзор ва яйловларни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилади, чўчқаларни семиртириш юзасидан колхозлараро хўжаликлар, паррандачилик фабрикалари ташкил қилиш мўлжалланди.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши чорвачилик билан бир қаторда узумчилик ва сабзавотчиликдир. Ўртоқ Заробян бу масалаларга ўз докладининг катта қисмини бағишлайди. Шу йилнинг ўзида Арманистонда узум етиштириш 58 процент ошиши керак. Юқори сифатли жануб помидори, баклажони, гармдориси ва пиёзини мамлакатнинг бошқа районларига юборишни кўпайтириш мақсадида ана шу экинлар майдонини кенгайтириш мўлжалланади, махсус совхозлар ташкил этилади.

Докладчи Арманистонда сув хўжалиги қурилишига жиддий эътибор беради. Республиканинг қурғоқчилик районларида, дейди у, сув хўжалиги қурилиши, ерларни суғориш ва яйловларга сув чиқариш — ердан рационал фойдаланишнинг, қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил етиштиришнинг, узумчиликни, мевачиликни янада ривожлантиришнинг ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омилидир. 1965 йилда суғориладиган ерларнинг кўпайиши асосан республиканинг тоғлик районларида насос станциялари ва ўзиоқар майда суғориш каналлари қурилиши йўли билан 60 минг гектарга етказилиши керак.

Суғориладиган ерларнинг анчагина қисмини токзор, мевали боғлар, сабзавот ва бошқа қимматли экинлар учун ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мақсадида Ўртоқ Заробян Ахурян сув омбори қурилишини 1962 йилда бошлаш ва 1965 йилда тамомлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Унга сарфланадиган ҳаражатларнинг ўрни бир ярим-икки йил ичида қопланади. Бу сув омбори ва бутун суғориш системаси қурилганидан кейин мамлакатга қўшимча равишда тахминан 200 минг тонна юқори сифатли узум, 120 минг тонна данакли мева, 100 минг тонна сабзавот, шунингдек кўпгина чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мумкин бўлади.

Ўртоқ Заробян Арманистон партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалигида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш учун, моҳир раҳбарлар тарбиялаш учун қандай тадбирлар кўрганлиги ҳақида Пленумга ахборот беради. Биз шунга эришмоқчимизки, деди у, бизнинг механизаторларимиз техникани билиш билан бир вақтда агротехникани ҳам яхши биладиган бўлсинлар.

Арманистон Коммунистик партияси, республика меҳнаткашлари, дейди Ўртоқ Заробян, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

* * *

Сўнгра Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Б. Овезов сўзга чиқади.

Ўртоқ Б. ОВЕЗОВ доклади

Ўртоқ Овезов ўз докладининг бошида айтадики, мазкур Пленумга тайёргарлик даврида туркман халқи Қорақум канали қурилишининг иккинчи навбатини муддатидан илгари тамомлаб, ажойиб меҳнат ғалабасига эришди. Амударё сувлари Тажан воҳасидаги унумдор ерларга етказилди. Каналнинг 1959 йилда фойдаланишга топширилган биринчи навбат қисмини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, унинг умумий масофаси эндиликда 540 километрни ташкил қилади.

Туркман халқи бу катта ишни, дейди докладчи, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ва даставвал улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайлигина бажара олди. Канал қурилишининг биринчи навбати 57 минг гектар пахта майдонини суғориш имконини берди. Канал қурилишига сарфланган ҳаражатлар икки йилда батамом қопланди.

Нотиқ ўтган қишлоқ хўжалик йилига якун ясаб айтадики, республика давлатга гўшт, сут, қорақўл тери, жун, пилла, узум ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Давлатга гўшт сотиш 1959 йилга нисбатан 17 процент, сут сотиш 10 процент, тухум сотиш 40 процент, қорақўл тери сотиш 18 процент кўпайди.

Ўтган йили пахтачилик соҳасида агротехникани ва механизацияни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Деярли ҳамма пахта майдони механизмлар ёрдамида икки томонлама ишланди. Далаларда 600 дан кўпроқ комплекс механизациялашган бригада ишлади.

Бироқ, дейди ўртоқ Овезов, биз қийинчиликларни бартараф қила олмадик ва давлатга пахта сотиш планини бажара олмадик. Республика икки йилдан бери пахта етиштириш планини бажармаётир ва мамлакатдан 123 минг тонна «оқ олтин» қарздор бўлиб қолди.

Бунинг сабаби, аввало, партия ва совет ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлигининг қониқарсиз даражада эканлигидан иборатдир. Кўпгина колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданияти ҳали ҳам паст. Ўтган йили колхозларнинг учдан бирига яқин қисми гектаридан 15 центнердан кам пахта ҳосили олди. Айни вақтда илғор хўжаликлар 30-45 центнердан ҳосил олдилар. Афсуски, республикада илғор колхозларнинг тажрибасини барча пахтакорлар мулкига айлантириш учун ҳали ҳам кам иш қилинмоқда.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети, дейди докладчи, бу йил қолоқ колхозларни малакали кадрлар билан таъминлаш учун чоралар кўрмоқда, уларга молиявий ва моддий-техника жиҳатидан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Республикада, дейди докладчи, экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ҳам пахта етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Етти йилликнинг охирига ва биз пахта майдонини 270 минг гектарга, ялпи пахта ҳосилини эса етти йиллик планда белгиланган 538 минг тонна ўрнига 600 минг тоннага етказишни мўлжалламоқдамиз.

Ўртоқ Овезов ер қазийдиган, ер текислайдиган ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни, шунингдек зараркунандаларга қарши кураш учун ҳали етарли бўлмаган заҳарли моддалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги масалани кўяди.

Докладчи чорвачилик масалалари устида тўхталиб, республика жамоат чорвасининг сонини ошириш бўйича ўз мажбуриятини қониқарсиз бажараётганлигини таъкидлайди. Жумладан, сигирлар сони суст ўсмоқда, чўчқа ва паррандa гўшти кам етиштирилмоқда. Сут соғиб олишнинг камайишига йўл қўйилди, маккажўхори ҳосили паст. Республикада маккажўхорининг аҳамиятига ҳали ҳам етарли баҳо берилмаётир. Туркманистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қилдилар ва ҳозир камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмоқдалар.

Мазкур Пленумда, дейди ўртоқ Овезов, айрим республикаларни мутлақо тўғри танқид қилмоқдалар. Бу республикаларда шахсий фойдаланишда бўлган чорва моллари сони колхоз ва совхозлардаги чорва сонига қараганда бир неча баравар тез ўсмоқда. Бу масала бизнинг партия ташкилотимизни ҳам ташвишлантиради. Бизнинг фикримизча, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданларнинг шахсий мулки бўлган молларни боқишни чеклайдиган қонун қабул қилиш, маҳаллий органларга ортиқча молни олиб, унинг нархини ҳарид баҳолари билан тўлаш ҳуқуқини бериш зарурати туғилди.

Н. С. Хрушчев. Сизлар бу масала юзасидан республикада ўз қонунингизни чиқаринглар. Республикаларнинг ўзлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдали деб ҳисоблаган қонунларни ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар. **(Қарсаклар).**

Б. Овезов. Яхши, биз худди шундай қиламиз.

Докладда Туркманистон колхозлари экономикасининг мустаҳкамланганлиги, колхозчилар моддий фаровонлигининг ошганлиги айтилади. Кейинги тўрт йил ичида колхозларнинг пул даромади деярли икки баравар ошди. 1953 йилда колхозлар бўлинмас фондга 206 миллион сўм ажратган бўлсалар, 1959 йилда бу ажратмалар 475 миллион сўмни ташкил қилди, бу маблағнинг бешдан бир қисми эса колхозлараро фондлар ташкил қилишга сарфланди.

Туркманистон қишлоқ хўжалик ходимлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йилликнинг учинчи йилида ярим миллион тонна ёки ўтган йили тайёрланганидан 38 процент кўп пахта етиштириш ва давлатга сотишга қарор қилдилар. Улар, шунингдек ўтган йилдагидан кўпроқ гўшт, сут, сабзавот, полиз экинлари етиштиришга қарор қилдилар. Қўйларни 10 процент, сигирларни 16 процент ва паррандаларни 40 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Ўртоқ Овезов Қорақум каналини кейинчалик Каспий денгизигача етказиш учун ва канал учинчи навбатини қуриш масаласини кўяди.

Ўртоқ Овезов айтадики, бу ерда ўртоқ Рашидов томонидан айтилган қардош Ўзбекистоннинг Амударёда Туямўйин ва Тахиатош тўғонларини қуриш ҳақидаги таклифини Туркманистон қўллаб-қувватлайди. Бу тўғонлар Туркманистон республикасига ҳам Амударё қуйи оқимида жойлашган 400 минг гектарга яқин ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини беради.

Н. С. Хрушчев. Бу ерлардан шоли экиш учун фойдаланиладими ёки пахта экиш учун фойдаланиладими?

Б. Овезов. Шимолий қисмида шоли ва пахтанинг фақат совет сортлари экилади, ингичка толали пахта у ерларга тўғри келмайди.

Ўртоқ Овезов ўз докладининг охирида айтадики, Туркманистон партия ташкилоти республика олдига қўйилган вазифаларни бажариш ва КПСС нинг навбатдаги XXII съездини коммунистик қурилиш соҳасида янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди.

* * *

Доклад қилиш учун сўз Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ И. Г. Кэбинга берилади.

Ўртоқ И. Г. КЭБИН доклади

КПСС XXI съезди қарорларини, дейди Ўртоқ Кэбин, Совет Эстониясининг меҳнаткашлари жанговар программа деб қабул қилдилар ва саноат соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашни авж олдириб юбордилар. Жумладан, қишлоқ меҳнаткашлари гўшт етиштиришнинг етти йиллик охирига мўлжалланган даражасига 1962 йилдаёқ эришиш, яъни гўшт етиштириш бўйича етти йиллик планни тўрт йилда бажаришга қарор қилдилар.

Партия ташкилоти, деб давом этади докладчи, колхоз ва совхозларни раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан каттагина иш қилмоқда. Республика қишлоқ хўжалиги ҳозир ҳар йили Эстония қишлоқ хўжалик академияси ва техникумларида тайёрланган 800-850 мутахассис олмоқда.

Республика шароитига мос ҳолда хўжаликни бошқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини ишлаб чиқилди ва колхоз ҳамда совхоз ишлаб чиқаришига жорий қилинмоқда. Ҳамма колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш тармоқлари йўналиши муайян белгиланган ва улар рационал тарзда қўшиб олиб борилмоқда. Дон, силос учун экиладиган маккажўхори, картошка экинлари майдони кенгайтирилмоқда.

Агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириш кейинги йилларда ҳосилдорликни бирмунча ошириш ва энг муҳим қишлоқ хўжалик экинлари ялпи ҳосилини кўпайтириш имконини берди. Бироқ, дон ялпи ҳосилининг ўсиши, дейди Ўртоқ Кэбин, жуда суст эканлигини тан олиш керак.

Ўтган йили колхоз ва совхозлар силос учун маккажўхори экишни кўпайтирдилар. Бу экинлар экилган ерга кўпгина миқдорда органик ўғит солинди. Экинларни экиш ва қатор ораларини ишлаш тўла механизациялаштирилди ва ўз вақтида ўтказилди. Натижада республика бўйича маккажўхори поясининг ҳосили ҳар гектар ердан 400 центнерни ташкил қилди.

Н. С. Хрушчев. Демак сизлар латишлардан ўзиб кетибсиз-да?

И. Г. Кэбин. Ҳа, шундай бўлиб чиқади.

Н. С. Хрушчев. Белоруссиядан ҳам ўзиб кетибсизлар. Тўғрими, ўртоқ Мазуров? Мазуров индамаяпти.

К. Т. Мазуров. Ҳа.

Н. С. Хрушчев. Ҳар ҳолда тан олди. Бу яхши кўрсаткичлардир.

(Давоми иккинчи бетда)

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИНГ БУЮК НАМУНАСИ

ФАРҒОНА, **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Сменада иш тугагач, Фарғона нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи коллективи митингга тўпланди. Митингни завод партия комитетининг секретари Ўртоқ Фомичов очиб, биринчи сўзни ёш инженер Ҳамиджон Умаровга беради.

— КПСС XXII съезлининг чақирилиши, —дейди нотиқ,—совет кишилари ҳаётида, бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида катта воқеадир. Партиямизнинг ҳар бир съезди нечоғли тарихий аҳамиятга эга бўлганлигини яхши биламиз. Съезд социалистик экономикани тараққий эттиришнинг янги йўлларини белгилаб беради.

— Съездга муносиб совғалар билан бориш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш мана шу съездга муносиб туҳфамиз бўлади. Электр қуввати ва ёнилғини тежаб сарфлайлик, меҳнат унумдорлигини янада оширайлик, маҳсулот таннархини арзонлаштирайлик. Бизнинг шиоримиз мана шу.

3-цех оператори Шейдаковнинг сўзи митинг қатнашчиларини айниқса тўлқинлантирди.

— Коммунистик партиянинг бутун фаолияти халққа хизмат қилишдир. Унинг ички ва ташқи сиёсати Ватанимизни гуллатишга, совет кишилари турмуш фаровонлигини яшнатишга қаратилгандир. Биз Коммунистик партия раҳбарлигида улкан галабаларга эришдик, эндиликда коммунизмнинг муҳташам биносини тиклаяпмиз. Мен жонажон партиямиз съездига совға ҳозирлашни фахрли ишим деб биламан. Ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини 150 процент бажараман.

Митингда 1-цех бошлангич партия ташкилотининг секретари Ефремова, лаборатория бошлиғи Куприц ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

1962 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Қурбоной опа Исломова қарийб 25 йилдан буён тикувчи бўлиб ишлайди. Шу давр ичида у бирон ой ҳам нормани бажармай қолган эмас, аксинча доим ошириб бажаради. У, хозир 1962 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Унинг ҳамкасблари Лена Мустафоева, Мукаррама Нуриддинова, Зиёда Қўзиева, Пана Куличкина ўртоқлар ҳам етти йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига ишламоқдалар.

Бу илғорларнинг баракали меҳнати туфайли якка буюртмалар цехи Қарши шаҳридаги «Учқун» фабрикасида илғорлар қаторида бормоқда. Цех шу кунларда май ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётир.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Н. С. ХРУШЧЕВ ВА С. ОЛИМПИО БИР-БИРЛАРИНИНГ ВАТАНЛАРИГА ВИЗИТ БИЛАН БОРАДИЛАР

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг Ғарбий Африкадаги баъзи давлатларга боришидан хабардор бўлган Того Республикасининг бош министри СССР нинг Тогодаги элчисига СССР Министрлар Советининг Раисини расмий визит билан қабул қилиш билан ўзини бахтиёр деб ҳисоблаяжагини хабар қилган.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бу таклифни мамнуният билан қабул қилди ва ўз томонидан Того республикасининг бош министрини Совет Иттифоқига келишга таклиф қилди.

Сильванус Олимпио жаноблари ҳам бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

Н. С. Хрушчев ва С. Олимпио бу визитларнинг муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади, деган фикрга келдилар.

МОСКВАДА ҲАМЗА КЕЧАСИ

МОСКВА, 16 январь. (ЎзТАГ махсус мухбири Е. Мойоров). Бугун Союзлар уйининг Колонна залида буюк ўзбек шоири, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг етмиш йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилди.

Кечада кўпгина таниқли рус ёзувчилари ва қардош республикалардан келган адиблар қатнашди.

Кечада Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодиёти тўғрисида доклад қилди.

Кеча Ўзбекистон санъат усталари иштирокида берилган катта концерт билан тугади.

(Кечанинг батафсил ҳисоботи газетанинг келгуси сонида босилади).

Қўриқ ердаги совхозларда дала ишлари

САМАРҚАНД, (ЎзТАГ). Мирзачўлда кунлар анча илиқ. Жанубий Мирзачўл канали қирғоқларида яқинда ташкил этилган учта совхознинг механизаторлари дала ишларига киришдилар. Улар 3900 гектар ерни ҳайдамоқдалар, текисламоқдалар ва шўрини ювмоқдалар. Ў ерларда биринчи марта чигит ва маккажўхори экилади. Бу йил Самарқанд области территориясига туташиб кетган қўриқ ерларда 20 минг гектардан кўпроқ янги ер ўзлаштириш мўлжалланади.



Тошкент. Трактор-йиғув заводи коллективи партия XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб етти йиллиннинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажариш ва мамлакатнинг пахтакор республикаларига 9 мингдан ортиқ ҳайдов тракторлари етказиб бериш мажбуриятни олди. СУРАТДА: жўнатишга тайёр тракторлар.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Бошы биринчи бетда)

Шу туфайли, дейди ўртоқ Кэбин, колхоз ва совхозлар 1959 йилга нисбатан икки баравар кўп силос тайёрладилар. У айтадики, республиканинг илғор хўжаликлари 668 центнердан ва 678 центнердан маккажўхори ҳосили етиштирдилар.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Кэбин, сизларнинг колхоз ва совхозларингиз думбул сўта олишга эриша олаётирларми ёки ҳарорат етишмаётирми?

И. К. Кэбин. Ҳарорат етишмаётир. Бу йил биз ҳом сўта олдик.

Н. С. Хрушчев. Сизлар маккажўхорининг тезпишар сортларини танлаб олиш ҳақида ўйлаб кўрингилар. Сизларнинг ўлкангизда «Воронежская-76» думбул сўта бериши керак.

И. Г. Кэбин. Ҳозир ана шундай тажрибалар ўтказилмоқда. Мен ўйлайманки, биз ўзимиз учун энг яхши сортларни ва гибридларни танлаб олишга эришамиз. Ҳозир «Стерлинг» сорти энг кўп кўк поя бермоқда.

Н. С. Хрушчев. Ҳа, бу сорт яхши кўк поя бериши мумкин, лекин сизларнинг шароитингизда сўта бермайди. Бу кеч пишар сортдир, тез пишар сортни танлаш керак ва балки қатор оралатиб экиш керак бўлар: бир қаторга кеч пишар, лекин баланд пояли маккажўхори, иккинчи каторга эса пояси паст, лекин тез пишар маккажўхори экиш керак, шунда сизларда яхши мослашиш бўлиши мумкин,—кўк поя ҳам, сўта ҳам бўлади. Ёки бир қаторга баланд пояли ва икки қаторга паст пояли, лекин тез пишар маккажўхори экиш керак бўлур. Қисқаси, бу соҳада тажриба ўтказиб, маккажўхори сортларининг шундай комбинациясини яратиш керакки, бу нарса гектаридан энг кўп озуқа единицаси олиш имконини берсин. Бу асосий масаладир.

И. Г. Кэбин. Биз сизнинг таклифингизни ҳисобга оламиз ва бу соҳада шундай тажрибалар ўтказамиз.

Н. С. Хрушчев. Такрор айтаманки, буни тажриба қилиб кўриш керак.

Маккажўхори билан бир қаторда, деб давом этади ўртоқ Кэбин, колхоз ва совхозларда кейинги йилларда беда, ўғмичка ва оқ қашқа беда экин майдонлари кенгайтирилмоқда. Ёз фаслида мол боқиш учун кўк конвейердан ҳам фойдаланилмоқда. Бу конвейернинг асосий звеноси қорамол учун кўп йиллик маданий яйловлар ташкил қилади. Ноябрь ва декабрь ойларида эса, озуқа учун карамдан фойдаланилади. Ўтган йили республика бўйича ҳар юз бош сигирга ўрта ҳисобда 6 гектардан ерга озуқа карами экилди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 500 центнерга яқин ҳосил олинди.

Н. С. Хрушчев. Қашқа беда қанча озуқа единицаси беради?

И. Г. Кэбин. Қашқа беда қанча озуқа единицаси беришини эслай олмайман, унинг ҳосили эса гектаридан тахминан 150 центнерни ташкил қилди.

Н. С. Хрушчев. Украинлар қашқа бедани бурғон деб атайдилар.

И. Г. Кэбин. Қашқа беда таркибида кўпгина оқсил моддаси бор. Бундан ташқари иккинчи марта ўриб олинганидан кейин қашқа беданинг янги ўсиб чиққан майсаси тупроққа аралаштириб ҳайдаб юборилади, у эса ҳар гектар ерга 15-20 тоннадан ўғит беради, натижада қуғи бундойдан яхши ҳосил олиш мумкин бўлади.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришга ёрдам берди. Гўшт етиштириш юзасидан 1959-1960 йиллар учун тасдиқланган план ортиғи билан бажарилди. Колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш икки йил мобайнида анчагина кўпайди. Бунга асосан чўчқачиликни ривожлантириш, қорамолларни семиртириб боқишни яхшилаш ҳисобига эришилди. Хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича сут етиштириш кўпайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш шунга олиб келдики, дейди ўртоқ Кэбин, республикамизда меҳнатга чинакам коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатаётган кўпгина илғорлар ўсиб етишди. Докладчи кўпгина сут соғувчиларнинг номларини тилга олиб ўтади. Бу илғор сут соғувчилар сутни машиналар ёрдамида соғиб, ҳозирги вақтда 50-70 ва ҳатто 80 тадан сигирга қарамоқдалар. Чўчқаларнинг ва паррандаларнинг сонларини кўпайтириш бўйича етти йилликнинг контроль рақамлари ошириб бажарилди. Бироқ, деб таъкидлаб ўтади ўртоқ Кэбин, сигирларнинг ҳозирги миқдори бизни қаноатлантира олмайди. Шу сабабдан ҳозирги вақтда республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг алоҳида эътибори ана шу вазифани ҳал қилишга қаратилмоқда.

Ўртоқ Кэбин айтадики, республиканинг баъзи колхоз ва совхозларида сут қўл билан соғилганда, ишчи кучлари етишмаётганлигидан ҳар бир сут соғувчига 20 ва ҳатто 25 бошдан сигир биркитиб қўйилмоқда. Бир йилда ана шундай сут соғувчи сигирларнинг шу группасидан 60 тоннадан 80 тоннагача сут соғиб олинмоқда. Қўл билан бажариш учун бу жуда катта ишдир. Сут чорвачилигида эса ишларнинг механизациялаштириш даражаси ҳали анча паст.

Н. С. Хрушчев. Бунга тоқат қилиб бўлмайди. Сут соғишни албатта механизациялаштириш керак.

И. Г. Кэбин. Бу мутлақо тўғри.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш натижасида бу маҳсулотларни тайёрлаш ва давлатга сотиш ишлари ҳам яхшиланди.

Колхозлар ва колхозчиларнинг пул даромадлари кўпайди. 1959 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик артеллари иш унумининг оширилган нормаларини ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг совхозлардагига яқинлаштирилган янги баҳоларини жорий қилиб келмоқдалар. Колхозларнинг 70 проценти меҳнат кунлари ҳисобланмасдан меҳнатга пул билан ҳақ тўлашга ўтди. Бу эса жамоат хўжалигини ривожлантириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнади.

Совет ҳокимияти йилларида Эстония, дейди нотиқ, аграр республикадан индустриал республикага айланди. Аҳолининг кўпчилик қисми саноатда ишламоқда. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг сони икки баравар камайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган бир киши ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш урушдан олдинги даражадагига нисбатан 2-2,5 баравар кўпайди. 1960 йилда ишлаган ҳар бир ишловчи ҳисобига уч тоннадан зиёд сут, сўйилган вазнда 366 килограммдан гўшт ва кўпгина бошқа маҳсулотлар етиштирилди.

Бундай маҳсулотларни етиштиришни янада кўпайтириш чорвачилик ва далачиликдаги ишларни механизациялаштириш даражасига боғлиқдир. Ҳолбуки, бу ишларни механизациялаштириш даражаси ҳозирги вақтда пастдир. Жумладан, ўртоқ Кэбин айтадики, сут соғадиган агрегатлар етишмаётганлигидан совхозларда сигирларнинг 70 проценти, колхозларда эса—атиги 15 процентигина машиналар ёрдамида соғиб олинмоқда.

Н. С. Хрушчев. Госплан ходимларига сутчилик фермаларига боришни маслаҳат берсакмикан. Ўзлари ҳам сутни қўл билан соғиб кўрганларида сут соғувчиларнинг иши қанақа иш эканлигини яхши билиб олган бўлур эдилар. **(Гулдурос қарсаклар, залда жонланиш).**

И. Г. Кэбин. Тўғри.

Н. С. Хрушчев. Агар Госплан ходимлари билан биргаликда халқ хўжалиги кенгашларининг раисларини фермаларга юборсангиз, тагин ҳам яхшироқ натижаларга эришасиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

И. Г. Кэбин. Никита Сергеевич, бу таклифингиз менга жуда маъқул бўлди. Колхоз ва совхозларда бултур кўпайтирилган сигирлар сони яна 750 сут соғувчини талаб қилмоқда. Шунга кўра, бу ерда ишчи кучига бўлган талаб бир қадар таъминланади. **(Залда кулги).**

Н. С. Хрушчев. Новиков билан Засядько ўртоқларга ҳам говмиш сигирлар танлаб бериш керак эди. **(Залда кулги, гулдурос қарсаклар).**

Докладчи яйловларни ва ўтлоқларни яхшилаш ҳақида, ботқоқликларни ўзлаштириш ҳақида гапиради. Контроль рақамларда 281 минг гектар майдонда мелиорация ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу — йилига ўрта ҳисобда 40 минг гектардан ерда мелиорация ишларини амалга ошириш керак, демакдир. Ўртоқ Кэбин етти йиллик мобайнида ботқоқликларни қуритиш ҳажмини энг камида 60-80 минг гектар кўпайтириш зарур деб ҳисоблайди.

Ўртоқ Кэбин ўз докладини тамомлаб айтадики, республика партия ташкилоти ўз олдига етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришнинг тасдиқланган планларини тўла ва ошириб бажарилишни таъминлаш вазифасини қўйди. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари билан қуролланган республика меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга эришадилар.

* * *

Пленум докладларни муҳокама қилишга киришади.

* * *

Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда. 13 январда 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги докладлар муҳокама қилина бошлади.

КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Г. И. Воронов** музокараларни бошлаб беради.

Об-ҳаво шароити жуда ноқулай келишига қарамай, дейди ўртоқ Воронов, — мамлакатимизнинг 1960 йилда 1959 йилдагидан кам бўлмаган миқдорда ғалла ва 1959 йилдагига нисбатан ҳатто кўпроқ миқдорда қанд лавлаги, қунгабоқар ва сабзавот олганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Ўртоқ Воронов Оренбург областида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш қандай кўпайиб бораётганлиги ҳақида гапиради. Кейинги йилларда Оренбург областида бир ярим миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Олимлар, мутахассислар ва ишлаб чиқариш илғорлари ишлаб чиққан янги деҳқончилик системаси жорий қилинди. Ана шу системага мувофиқ, куз фаслида ерлар чуқур шудгор қилиб қўйилади. Бу эса, шу ерларда тез-тез такрорланиб турадиган қурғоқчилик ва гармселларнинг таъсирини бўшаштиради. Оренбург области муттасил мўл ҳосил етиштирилаётган областга айлантирилмоқда.

Нотиқ Оренбург областида деҳқончиликни янада юксалтириш учун қўриқ районларда тўғри алмашлаб экиш ва экин майдонлари структурасини ишлаб чиқиш ва бошқа проблемалар юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш — биринчи галдаги иш деб ҳисоблайди.

Никита Сергеевич Хрушчев Қозоғистоннинг қўриқ ерларида илмий-тадқиқот институтларининг вужудга келтиришни тавсия этади. Бу институтлар ишлаб чиқариш билан маҳкам алоқа боғлайдилар, дейди ўртоқ Воронов, қўриқ ерлари ўзлаштирилаётган бошқа областларда, шу жумладан Оренбург областида ҳам бундай институтларни ташкил этиш яхши бўлур эди. Ҳозирги вақтда бизда сут-гўшт чорвачилиги зонал институти бор.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Воронов, мен Сизнинг фикрингизга қўшиламан. Аммо, уларни институт деб эмас, балки тажриба станциялари деб аташимиз керак бўлур, чунки, улар ишлаб чиқаришга яқин турадилар, институт деганда эса ишлаб чиқаришга эмас, балки академияга яқин турган илмий муассаса тасаввур этилади.

Г. И. Воронов. Бу тўғри. Уларни институт деб эмас, балки тажриба станциялари деб аташ мумкин. Бизнинг институтимиз ишлаб чиқаришга яқин турибди. Бу институтнинг директори ўртоқ Хайруллин бу ерда, Пленумда қатнашмоқда.

Н. С. Хрушчев. Сизга маълумки, бизда жуда галати бўлса ҳам, ўйлаб чиқарилган номлар, масалан, турли главкларнинг номлари ҳали кўп. Главклар бор, бунинг устига яна бош главк ҳам бор. Булар орасида қандай тафовут бор? Аслида ҳеч қандай тафовут йўқ, аммо бу главклардаги ставкалар хилма-хилдир. **(Залда кулги).** Гап шундаки, бу оддий главк бўлмай, балки бош главкдир, модомики, главк экан, бунинг устига яна бош главк экан, демак у оддий главкдан юқори туради ва унда тўланадиган иш ҳақининг ҳам ортиғроқ бўлишини талаб қиладилар. **(Залда кулги).**

Г. И. Воронов. Тўғри айтасиз, Никита Сергеевич. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда мавжуд бўлган зонал институтларнинг мутлақо кераги йўқ. Масалан, қўйчилик соҳасида Ставрополь институти, чорвачилик соҳасида эса Москва институти бизга хизмат кўрсатмоқда. Бизда гўшт чорвачилиги зонал институти бор. Бу институт Муз океанидан тортиб, Қора денгизгача ҳамма хўжаликларга хизмат кўрсатади. **(Залда кулги).** Равшанки, бундай институтдан манфаат йўқ.

Н. С. Хрушчев. Москвада илгари «Дальриба» ҳам бор эди. Балиқни Узоқ Шарқда овласалар ҳам, бошқармаси Москвада эди. **(Қарсаклар).**

Президиумдан овоз. Ҳозир ана шу бошқарма Узоқ Шарқдадир.

Н. С. Хрушчев. Бу бошқармалар ҳозир Узоқ Шарқда, дейдилар. Аммо, биз уларга Москвадан жўнаб кетиш ва балиқка яқин жойда бўлишни маслаҳат кўрганиимиздан кейингина шундай бўлди.

Г. И. Воронов. Зонал институтларни областда ишлайдиган ташкилотларга айлантириш керак.

Н. С. Хрушчев. Ёки асал аричилик ва қанд лавлаги институтларини олиб кўрингиз. Бу институтлар ҳам Москвада эди. Қанд лавлаги Украинада етиштирилгани ҳолда унинг институти Москвада эди. Бундай институтларнинг ҳаммаси Большой театр атрофида жойлашиб олишни истар эдилар **(кулги),** бу жой гўё уларнинг бош базаси эди. **(Залда жонланиш).**

Ўртоқ Воронов ўз нутқида асосий эътиборни жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратади. У айтадики, ҳозирги вақтда Оренбург областининг деярли ҳар бир колхози ва совхозида махсус гўшт чорвачилиги фермалари ташкил этилган. Сут берадиган сигирлар подасининг кўпайтирилишига зарар етказмаган ҳолда шундай қилинмоқда. Бунинг натижасида сут етиштириш ҳам, гўшт етиштириш ҳам кўпайди.

Аммо, деб сўзини давом эттиради нотиқ, бу соҳада ҳали жуда кам иш қилинди. Лекин қилинган ишлар ҳам танлаб олган йўлимизнинг тўғри эканлигига ишонч туғдиради.

Гўшт-сут чорвачилиги Оренбург илмий-тадқиқот институти, деди ўртоқ Воронов молхонанинг янги типини қуришни таклиф этди. Бу таклифга мувофиқ, молхонанинг ичида силос ҳам бостирилади. Бир уч йил муқаддам шу хилдаги биринчи молхонани қурган эдик, аммо ана шу институтнинг директори бу қурилиш учун Фанлар академиясидан виговор олди. Бизга «виговори» бўлган ана шу молхонага экскурсиялар ташкил этмоқдамиз. Бу молхона ҳаммага манзур бўлди.

Н. С. Хрушчев. Сигирлар-чи — Сизлар билан бирдамми ёки Фанлар академияси билан бирдамми?

Г. И. Воронов. Биз билан.

Нотиқ айтадики, шу хилдаги бинолар зах бўлади, силос бузилади, деган скептиклар жуда кўп бўлди. Айтмаган гаплари қолмади. Практика эса ҳар қандай хавфсирашларга ўрин қолдирмади. Областдаги кўп хўжаликларда уч йилдан буён шундай бинолар мавжуд бўлиб, чорва молларни парвариш қилиш учун меҳнат сарфини анча камайтириш имконини берди.

Ўртоқ Воронов қўй қўраси структурасини ўзгартириш қўй гўшти етиштиришни кўпайтириш йўлидир, деб ҳисоблайди. Ҳозирги вақтда, деди у, биздаги қўй қўрасининг камида 50 процентини совлиқ қўйлар ташкил этади. Лекин бу кам. Совлиқ қўйларни кўпайтириш керак, чунки совлиқ қўйларни кўпайтирмай туриб, қўй гўшти етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас. Туғишдан қолган қўйларни совлиқ сифатида асраб қолиш совлиқ қўйлар сонини кўпайтиришга ёрдам бермайди. Шундай қўйларни асраш билан биз одатда тиштари тўкилиб, қарилигидан эрта-индин ўлиш эҳтимоли бўлган қўйларнигина гўшт учун сотамиз. Бундай қўй гўштидан яхши кабоб тайёрлаб бўлмайди, ахир шу ҳам гўштми?

Н. С. Хрушчев. Қари қўйларнинг гўшти кабоб учун ярамаслигини грузинлар билсалар керак, шу сабабли улар бундай қўйларни сўядилар. Арманлар ва қозоқлар ҳам худди шундай қиладилар.

Г. И. Воронов. Ёш қўйларни ҳам сўядилар.

Биз, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Воронов, подалар структурасини ўзгартирган уч йил мобайнида юзаки қараганда, олға қараб силжиш бўлмагандай туйилди: бизда тўрт йил муқаддам 1 миллион бош қўй бор эди, ҳозирда ҳам шунча мол бор. Аммо мен шуни айтишим керакки, бундан тўрт йил муқаддам колхоз ва совхозларда 563 минг совлиқ қўй бўлса, бу йил 900 минг совлиқ қўй бўлади. Лекин бутун гап маҳсулотнинг сифатидадир. Жун топшириш камаймай, балки қарийб икки баравар ортди, шу йиллар ичида қўй гўшти топшириш ҳам қарийб уч баравар кўпайди.

Мен, деди ўртоқ Воронов яна бир масалани кўтармоқчиман. Бу масала молларни сўйиш учун узоқ жойларга ҳайдаб олиб боришга барҳам бериш тўғрисидаги масаладир. Областимиздаги Орск комбинатига Гурьев, Актюбинск, Кустанай областларидан, Бошқирдистон АССР дан молларни ҳайдаб келтирадилар. Областнинг бутун территорияси пода йўлларига айлантириб юборилган. Бундай ярамас ҳолларга хотима бериш керак. Эҳтимол бошқа областларда кичкина гўшт комбинатлари қуриш йўлидан бориш мумкин бўлур, эҳтимол молларни темир йўл вагонларида кўпроқ ташиш лозим бўлур? Хуллас, бу масалалар тўғрисида фикр юритиш ва уларни дарҳол ҳал этиш керак.

Н. С. Хрушчев. Билмайман, сигирларни қаерда сўйишларининг улар учун қандай фарқи бор? Уларни 500 ёки 1000 километр масофага ҳайдаб боришнинг нима ҳожати бор?

Г. И. Воронов. Моллар шундай ҳайдаб борилиши натижасида ҳар йили ўз молларимизнинг ҳаммасини юқумли оқсил касалига қарши эмлашга мажбур бўлмоқдамиз.

Н. С. Хрушчев. Гап бундагина эмас. Гап яна шундаки, биз моллари узоқ жойларга ҳайдаб бориш билан қанча-қанча гўштдан маҳрум бўлиб қоламиз. Юзларча километр масофани босиб ўтган чорва мол этдан тушади.

Ўртоқ Воронов ўз нутқининг охирида айтадики, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлади. Бутун партиямиз, бутун совет халқи бу Пленумнинг қарорларини шубҳасиз, зўр мамнуният билан кутиб олади.

Олтой ўлка партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **К. Г. Писин** қуйидагиларни айтади: КПСС Марказий Комитетининг қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳақидаги тарихий қароридан кейин Олтой ўлкасининг ҳаётида тубли ўзгаришлар рўй берди. Бизнинг ўлкамиз қўриқ ерлар ўзлаштирилмасдан олдинги даврдагига қараганда 3,7 баравар кўпроқ ғалла бера бошлади. 1954 йилдан буён ўтган давр ичида давлатга бир ярим миллиард пуддан кўпроқ ғалла топширилди. Экин майдонлари учдан икки қисми миқдорида кўпайди, чорва моллар сони ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш қарийб икки баравар ортди. Аммо,—деб таъкидлайди нотиқ, қўриқ ерлардан ҳали унинг ҳамма бойликларини ололганимиз йўқ. Ўтган йили ўлка бўйича ҳар гектардан ўрта ҳисобда 11 центнердан дон экинлари ҳосили олинди. Ўлкамиз ўтган йили ғалла тайёрлаш планини бажаролмай қолди. Асосий вазифа—ҳосилни, ва, биринчи галда, баҳори бундой ва маккажўхори ҳосилини кескин равишда оширишдан иборат.

Ўртоқ Писин ўз нутқида қишлоқ механизаторларининг ишларини ташкил этишга кўп эътибор беради. У айтадики, илғор агрономия усулларининг сут жорий қилинаётганлигига, кўп ҳосилнинг нобуд бўлиб кетишига сабаб, аввало, шуки, ерни ишлаш эгасизлантирилмоқда ва меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳозирги пайт учун эскириб қолган системаси қўлланилмоқда.

Н. С. Хрушчев. Бутун гап меҳнатга ҳақ тўлашни уюштиришда қолган.

К. Г. Писин. Дарҳақиқат, Никита Сергеевич, меҳнатга ҳақ тўлашни уюштиришда кўп камчиликлар бор.

Н. С. Хрушчев. Мануковский системасини, Гиталов системасини ва лавлаги етиштираётган воронежлик икки механизатор — Косенко ва Бондаренко системасини асос қилиб олиш керак. «Сельская жизнь» газетасида тракторчиларнинг қанд лавлаги етиштириш қосидаги ишлари ҳақида жуда яхши мақола босилган.

К. Г. Писин. Техника экинлари етиштириш соҳасида меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тажрибаларини дон етиштиришга ҳам дадил татбиқ этишимиз лозим.

Н. С. Хрушчев. Бу системани ҳамма жойда жорий қилмоқ керак, токи бригада деҳқончилик билан ҳам, чорвачилик билан ҳам шуғуллансин, дон, техника, экинлари етиштирсин ва чорва молларни емхашак билан таъмин этсин. Хуллас, деҳқончиликни ҳам, чорвачиликни ҳам бирга қўшиб олиб бориш керак.

К. Г. Писин. Тўғри!

Ўртоқ Писин яна қуйидагиларни айтади: Меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи комитет ва ВЦСПС совхозларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасини ишлаб чиқди. Бу система бирмунча яхшидир. Аммо, шундай бўлса ҳам, бу системага қўриқ ерлардаги хўжаликларнинг баъзи муҳим хусусиятларини назар-эътиборга олмайди. Янги системани Олтой ўлкасига мослаб яхшилаш ва конкретлаштириш маъносида бу системадаги айрим масалаларни яна бир марта қараб чиқиш жуда муҳим иш бўлур эди.

Н. С. Хрушчев. Сизлар ҳам бу масала ҳақидаги ўз таклифларингизни ишлаб чиқингиз ва Марказий Комитет ҳамда ҳукуматга тақдим этингиз. Биз уларни қараб чиқамиз ва қабул қиламиз.

К. Г. Писин. Маъқул.

Сўнгра, нотиқ ердан фойдаланишда тартиб ўрнатиш зарурлиги ҳақида гапиради. У, А. С. Шевченко «Правда» газетасида босилган мақоласида Олтой ўлкасида ердан фойдаланиш принципларини тўғри баён қилганлигини айтади. Биз шу икки йил ичида чопиқ қилинадиган экинларни алмашлаб экишни шундай жорий қилмоқчимизки, чопиқ қилинадиган экинларнинг 25 процентчасини алмашлиб экишни таъминлаймиз.

Н. С. Хрушчев. Тўғри!

К. Г. Писин. Шу жумладан, 500 минг гектарча майдонга дуккакли экинлар, асосан озуқа бўладиган дуккакли экинлар экамиз. Биз ҳозир синаб кўрдик, бу экинлар бизда жуда яхши ўсиб, мўл ҳосил бермоқда ва энг муҳими шуки, бу экинлар йиғиштириб олинганидан кейин тупроқда кўп миқдорда азот ҳосил бўлмоқда. Дуккакли экинлардан кейин экилган бугдой ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил берди.

Н. С. Хрушчев. Олтой ўлкасида дуккакли экинлар етилиб пишадими?

К. Г. Писин. Биз дуккакли экинларнинг бир қисмини кечроқ эндик, улар етилиб пишмади. Олдинроқ тайёрлаб қўйилган уруғлар экилиб, парвариш қилинганидан кейин жуда яхши ўсиб етилмоқда ва биз буни Сибирь ва Шимолнинг дуккакли экини деб ҳисоблаймиз. Энг муҳими шуки, бу экинни етиштириш ишларини механизациялаш мумкин.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Светличнийнинг Кубанда бир нишли лавлаги етиштириш соҳасидаги тажрибасини ўқиб кўрингиз. Бу тажриба «Сельская жизнь» газетасида тасвирланган. Бу жуда мароқли тажрибадир. Шу ерда ҳозир бўлган ва бу иш билан шуғулланувчи ўртоқларнинг сўзга чиқишларини илтимос қиламиз. Бу тажриба лавлагиқорлигимизнинг истиқболини кўрсатиб беради.

К. Г. Писин. Тушунарли, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Светличний етиштирган бир центнер қанд лавлагининг таннархи 3 сўм 5 тийин туради. Бир центнер лавлагининг харид нархи 22 сўм турса, у етиштирган лавлагининг харид нархи 3 сўм 5 тийин (эски пул ҳисобида).

Сўнгра, нотиқ қўриқ ерлардаги совхоз ишчиларининг маиший шароитини яхшилаш зарурлиги ҳақида гапиради. У ана шу совхозларда ошхоналар ва болалар муассасалари қуриш биринчи галдаги иш бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Н. С. Хрушчев. Тўғри!

К.Г. Писин. Бу қурилиш давлат планига киритилиши ва бир неча йилга чўзиб юборилмаслиги керак. Ҳолбуки, «Роспотребсоюз», Госплан, Қишлоқ хўжалик министрлиги бу масалани ҳал этишга шундай қарамоқдаларки, улар бунга муҳим иш эмас, балки иккинчи даражали иш деб ҳисоблайдилар.

Н. С. Хрушчев. Бу, масалага мураккаб ёндошишдир. **(Залда кулги).** Сизнинг гапингизни тушунмасликлари мумкин.

К. Г. Писин. Мен ишлаб чиқариш бинолари каби ошхона ва болалар муассасаларини ҳам биринчи галда қуриш ва бу қурилишни кейинги ўринга суриб юбормаслик керак деб ҳисоблайман.

Н. С. Хрушчев. Сизнинг соғиш аппаратлари ишлаб чиқариш тўғрисидаги таклифингизни қабул қилиш керак. Ўлкада ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг ҳаммасини Олтойдаги колхоз ва совхозларни тўла таъминламагунча ҳеч кимга бермангиз.

К. Г. Писин. Маъқул, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Сизнинг қўриқ ерлардаги совхозларда болалар яслилари, болалар боғчалари, ошхоналарни биринчи навбатда қуриш тўғрисидаги таклифингизни қўллаб-қувватлаш керак. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Қўриқ ерларнинг бойликларини янада ўзлаштириш, дейди ўртоқ Писин, ҳар бир даладан, ҳар бир ер участкасидан ишнинг кўзини билиб, ихлос билан фойдаланиш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин суратда юксалтириш, етти йиллик план топшириқларини тез суръатлар билан бажариш имконини беради.

Тернополь область, Мельнихе-Подольск районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Е. А. Долинюк** шу колхоз аъзолари номидан Пленум қатнашчиларига қизғин салом топширади.

— Мен шу Пленумда шахсан иштирок этаётганлигимни, — дейди у, — Ғарбий Украинанинг Подольск ерларида мўл-кўл ҳосил етиштириш учун кўпгина куч-ғайрат сарфлаётган звеномиз, Сталин номли колхоз аъзолари, ўлкамизнинг барча меҳнаткашлари меҳнатига берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Бунда жонажон Коммунистик партиямиз, Марказий Комитет Президиуми ва шахсан Сиз, қадрли Никита Сергеевич, оддий кишиларнинг тақдири ҳақида, бахтли турмуш ҳақида, яшаб турган еримизда тинчлик бўлиши ҳақида оталарча ғамхўрлик қилаётганлигингизни кўриб турибман. Шу сабабдан ўз меҳнатимиз билан ҳаётни безаш, мамлакатнинг бойлигига бойлик қўшиш, ўлкада кўплаб мевали боғлар барпо этиш мақсадида Ватанга, халққа бутун кучқувватингни бағишлашни истайсан, киши.

Ўртоқ Долинюк бошчилик қилаётган звено 1960 йилда 125 гектар майдонда маккажўхори етиштирди. Бунда 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 167 центнердан дон олинди, қолган майдонда эса 982 центнердан сўтали кўпоя йиғиб олинди. Етиштирилган 1 центнер донинг таннархи янги пуллар билан ҳисоблаганда 32 тийинга, кўк поянинг ҳар центнери 2 тийиндан камроққа тушди.

11 йиллик иш даврида, дейди ўртоқ Долинюк, звено 25 минг центнер маккажўхори дони ва 39 минг тонна кўк поя етиштирди. Колхоз ана шу озуқадан фойдаланиб, 5минг центнер чўчқа гўшти ва 68 минг центнер сут етиштирди. Шу йиллар мобайнида ҳар гектардан олинган ўртача йиллик ҳосил 134 центнер дон ва 1500 центнер кўк пояни ташкил қилди.

Звеномиз негизида маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш усталари тайёрлайдиган ва доим ишлаб турадиган мактаб ташкил қилинган. Бу мактабда ҳар йили звено бошликларидан 300 дан кўпроқ киши ўқиб турибди. Илғор иш тажрибаларини жорий қилишнинг бундай усули яхши натижалар бермоқда.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Долинюк, Украинанинг раҳбар составини балки сизнинг мактабингизга қабул қилиш мумкин бўлар, сиз уларга илғор иш тажрибаларини ўргатурсиз, шундай қилганда бутун Украина маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиради. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).**

Е. А. Долинюк. Ўтган йили мактабимизда ўқиган 133 звено бошлиғи ҳар гектар ердан 50 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони, 1,13 звено эса гектаридан 600 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ кўк поя йиғиб олишга муваффақ бўлди.

Тажриба шуни кўрсатадики, деди ўртоқ Долинюк, силос бостириш учун механизаторларнинг ўзлари ҳам ўз кучлари билан маккажўхоридан мўл ҳосил етиштира оладилар. Масалан, бизнинг районимиздаги Ленин номли колхозда трактор бригадасининг бошлиғи Роман Гавришчук ҳеч қандай қўл меҳнати сарфламаган ҳолда кенг майдонларнинг ҳар гектаридан сурункасига уч йилдан буён 700-1000 центнердан кўк поя етиштириб келмоқда.

Н. С. Хрушчев. Баракалла! **(Қарсаклар).**

Е. А. Долинюк. Маккажўхори дони етиштириш ихтисослаштирилган звеноларнинг ишлаб чиқариш ҳисобига ошириш учун асосий топшириқ бўлмоғи керак. Звеноларнинг ҳаммаси катта майдонларда дондан мўл ҳосил етиштиришлари лозим, шундай қилганда бизда сут ҳам, гўшт ҳам, ёғ ҳам, бошқа маҳсулотлар ҳам етарли бўлади.

Ўртоқ Долинюк айтдики, ўзим бошчилик қилаётган звено бу йил 100 гектар ерда бир минг тонна маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилди. Лекин шунча дони машиналарсиз йиғиштириб олиш, дейди у, звенонинг қўлидан келмайди. Маккажўхорикорларга юқори унумли, анча мукаммал комбайнлар керак бўлиб қолди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 13 январь кечки мажлисида 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги докладларни муҳокама қилишни давом эттирди.

КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Г. И. Воробьев** минбарга чиқади.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Воробьев, кубанликлар маккажўхори етиштириш соҳасида ўртоқ Долинюкни мусобақага чақиришни истайдилар, демоқдалар, Бу гап тўғримми? Сизда бунинг учун ўртоқ Долинюкникига қараганда шароит яхшироқми?

Г. И. Воробьев. Бизда шароит яхшироқ.

Н. С. Хрушчев. Яхшироқми, ёки йўқ?

Г. И. Воробьев. Ерларимиз яхшироқ деб айтиш мумкин.

Н. С. Хрушчев. Мамлакатда Кубандагидан кўра яхшироқ ерлар йўқ. Сиз ўртоқ Долинюкни эҳтимол, дангал мусобақага чақирурсиз?

Г. И. Воробьев. Звено бошлиқлари чақирадилар.

Н. С. Хрушчев. Звено бошлиқлари — бу ўз йўли билан. Сиз барча колхозлардаги звено бошлиқларини бир жойга тўплангиз ва уларга ўртоқ Долинюкни мусобақага чақиришни тавсия этамиз, деб айтингиз.

Г. И. Воробьев. Биз ўртоқ Долинюкдан иш ўрганишга ҳаракат қиламиз ва ўзимизда ҳам худди шундай ҳосил олишга тиришиб кўрамиз.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Воробьев, сиз уни мусобақага чақирасизми?

Г. И. Воробьев. Чақириш мумкин.

Н. С. Хрушчев. Ҳаракат қилиб кўринг. Кубань ўртоқ Долинюкни мусобақага чақирадиган бўлса, у ҳолда бизда нон ва колбаса мўл бўлади. **(Залда жонланиш).**

Г. И. Воробьев. Ундан ўрганишга ҳаракат қиламиз, ўртоқларимиз унинг ҳузурига боришл

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши иккинчи бетда).

Н. С. Хрушчев. Бунга 70 миллион пуд ёки ҳатто бундан ҳам кўпроқ буғдойни қўшсангиз, 150 миллион пуд дон ҳосил бўлади. Украиналиклар гектаридан 50 центнердан олишлари даркор бўлса, кубанликлар бундан кўпроқ олишлари мумкин. Улар ҳар гектар ердан олтмиш центнердан беришлари керак. Бунга сабаб шуки, сизлар яхши ерларда яшайсизлар. Ҳозирги кубанликларнинг кўп ота-боболари Запорожье сечидан чиққан кишилардир. Екатерина II запорожьеликлардан қўрқар эди, шу сабабли хушомад қилиб уларни яхши ерларга кўчирган эди. Ана шундай экан мазкур ерлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида энг яхши кўрсаткичларга эришингиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Воробьев айтадики, ўтган йили ўлкада ҳар гектар ердан 26,4 центнердан маккажўхори дони олинди. Бу, албатта, кам. Совхоз ва колхозлар бундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштира оладилар. Бизнинг ўлкамизда, дейди у, ҳар гектар ердан 50 центнердан дон олиш учун қурашишга тайёр турган минг-минглаб илғорлар бор.

Н. С. Хрушчев. Сиз ўртоқ Долинюкка бир назар солингиз, у 160 центнердан ҳосил олди.

Г. И. Воробьев. Тўғри.

Н. С. Хрушчев. Унинг 160 центнердан ҳосил олганлигига, сизлар эса 50 центнердан ҳосил олаётганлигингизга сабаб нима? Ўртоқ Долинюк сизларга бориб бир ёз ишлаб берсин. Унга ер ажратиб берингиз ва у сизнинг кубанликларингиз билан биргаликда ўз ерингизда гектаридан 150-200 центнердан дон ҳосили олишига аминман.

Г. И. Воробьев. Эҳтимол.

Н. С. Хрушчев. Шундан кейин уни ўлка комитетининг секретари қилиб сайлашлари мумкин. **(Залда жонланиш).** Хўш нима деб ўйлайсиз? Бизларнинг ҳаммамиз абадий қолиб кетамиз деб ўйлайсизми? Раҳбарлар мерос бўлиб қолиб келган вақтлар ўтиб кетган. Эндиликда яхши ишлаган кишиларни табриклайдилар, ёмон ишловчиларни ўзгартирадилар. Шундай бўлади ва шундай бўлиши ҳам керак. Бу қонундир, ва бу демократиядир.

Ўртоқ Воробьев сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтади: Бу йил ўлкада, 4,5 мингдан кўпроқ механизациялаштирилган зверо ишлайди. Булардан бир минг зверо 100 минг гектардан кўпроқ майдонда ҳар гектардан 50-60 центнердан маккажўхори дони олиш учун курашади. Энин майдонини кўпайтирмоқчимиз. Бизда асосий энин майдонлари, жами 650 минг гектар, 400 минг гектарга яқин дон майдони бор, 250 минг гектар ерни эса силос бўладиган экинга қолдириш керак.

Н. С. Хрушчев. Силос албатта керак.

Г. И. Воробьев. 650 минг гектар асосий майдоннинг 400 минг гектарига маккажўхори дони (такрор экмасдан) ва 250 минг гектар ерга эса силос учун экин экамиз.

Н. С. Хрушчев. Сизлар силос учун керакли экинларни такрор экиш тўғрисида ўйлаб кўрмоғингиз керак. Агар биринчи галда нўхат экиладиган бўлса, у барвақт етиладн, иккинчи галда маккажўхори экиш керак.

Г. И. Воробьев. Бизда кузги арпа, кузги буғдой экилади. 1960 йилда ана шу экинлар йиғиштириб олинганидан кейин 340 минг гектар ерга такрор маккажўхори экилди ва кўп миқдорда силосбоп кўк поя ва думбул сўта олинди.

Н. С. Хрушчев. Ана шу думбул сўтани эътиборга олиш керак.

Г. И. Воробьев. Экиннинг ўриб олинган айрим қисмидан етилган сўтали маккажўхори олинди.

Н. С. Хрушчев. Мана, Кубанниинг нималигини кўриб турибсиз.

Г. И. Воробьев. Мен нима ҳам дея олар эдим? Мен у ерга ҳали ҳеч қандай экин экиб кўрганим йўқ, мен яқинда борганман.

Н. С. Хрушчев. Маъқул. Ундай бўлса, дадил танқид қилаверинг, мен маккажўхорни қандай етиштириш кераклигини кубанликларга сўзлаб бераман, Сиз эса Ўртоқ Долинюкдан ёрдам беришни илтимос қилинг.

Г. И. Воробьев. Жуда яхши бўлур эди.

Ўртоқ Воробьев яна айтадики, кўп ҳосил берадиган «ВИР-156» каби гибридларни кўпроқ экиш — маккажўхори ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим резервидир. Ўлкамизнинг шароитида, хусусан жанубий ва марказий районлар шароитида ана шу гибрид бошқа гибридларга нисбатан ҳар гектар ерда 10 центнердан 15 центнергача ҳосилни кўпайтиради. Бизда шундай масала қўйилмоқда. «ВИР-156» сортли маккажўхоридан ўлка бўйича ҳар гектар ердан 36 центнер дон олинади, «Воронежская» сортидан эса 16 центнердан дон олинади. Бу эса икки баравар камдир, лекин 67 область учун ана шу сортдаги уруғларни етиштиришга тўғри келмоқда. Бу эса бизни орқага тортади.

Н. С. Хрушчев. Сизда ана шу сорт уруғлик экиладиган майдон қанча?

Г. И. Воробьев. 10 минг гектар.

Н. С. Хрушчев. Қуён ҳам бундан кўпроқ еб қўяди-ку. **(Умумий жонланиш).**

Г. И. Воробьев. Иккинчи сорт — «Стерлинг»дан ҳам гектарига 20 центнердан дон олинди.

Н. С. Хрушчев. Қарғалар кўпроқ чўқиб еб қўяди-ку, сиз эса 10 минг гектар тўғрисида гапирясиз. Биз Сиздан ана шу 10 минг гектарни ва яна 10 минг гектарни чегириб олиб ташлайлик. Сиз 400 минг гектарга экингиз. Майли, 400 минг гектар эмас, 380 минг гектар деб ҳисоблайлик, 50 минг гектарни чегириб олайлик — 350 минг гектар бўлади.

Маккажўхори ҳосилдорлигини кўпайтирмоқ учун, дейди нотиқ, — юқори ҳосилли сараланган сортларни ва гибрид уруғларини экамиз. Шу билан бирга ҳар бир уяга тегишли миқдорда уруғ ташлаймиз. Ҳозирги вақтда механизатор кадрлар тайёрланмоқда, уруғлар тозаланмоқда, ер участкалари звеноларга биркитиб берилмоқда, техника ремонт қилинмоқда ва созланмоқда.

Ўлкада бошоқли экинларнинг, биринчи галда кузги буғдойнинг ҳосилдорлигини ошириш учун кураш олиб борилмоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 24 центнердан кузги буғдой олинди. Биз бу йил ҳар гектар ердан камида 27-28 центнердан дон олиш ниятидамиз.

Н. С. Хрушчев. Мен Сизнинг сўзингизни яна бўламан. Мен жиддий гапиряпман. Сиз 400 минг гектар тўғрисида гапиряпсиз. Аммо 350 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштирилганида, 126 миллион пуд маккажўхори ҳосили олинади. Учдан икки қисми — 84 миллион пуд маккажўхори ва 70 миллион пуд буғдой олинса, 154 миллион пуд ҳосил бўлади. Менинг фикримча сизлар дон ҳосилини ҳам, буғдой ҳосилини ҳам, бошқа экинлар ҳосилини ҳам кўпайтира оласиз.

Г. И. Воробьев. Сизнинг ҳисоб-китобингиз тўғри.

Н. С. Хрушчев. Бу ҳисоб-китоб эмас. Мен либералларча гапирдим, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмадим, энди эса мен савдогар сифатида ҳаракат қиламан: 1961 йил учун бутун баҳони кесиб қўяйлик, бу — 150 миллион пуддан иборат, 1962 йилга келганда ўйлашиб кўрармиз. **(Залда жонланиш. Кулги).**

Сўнгра ўртоқ Воробьев ўлкада шоли, қанд лавлаги, кунгабоқар майдонлари кенгайтирилаётганлигини айтади.

Ўртоқ Воробьев чорвачилик тўғрисида гапириб айтадики, ўлка қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил давлатга 285-290 минг тонна, ёки ўтган йилдагидан 27-30 процент кўпроқ гўшт, 710-730 минг тонна, ёки ўтган йилдагидан 15 процент кўпроқ сут сотишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

Ўртоқ Воробьев сўзининг охирида КПСС Марказий Комитети Пленумини ишонтириб айтадики, Кубань қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик учинчи йили давлат плани ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдилар, КПСС нинг навбатдаги XXII съездини муносиб кутиб оладилар.

В. И. Ленин номидаги колхознинг раиси **С. К. Коротков** (Чувашистон АССР) ўз нутқида маккажўхори ва нўхат экиб парвариш қилиш масалаларига асосий эътибор берди. Ери қора тупроқ бўлмаган бизнинг зонамизда, — дейди Ўртоқ Коротков, — иқлим яхши, иссиқ ва нам етарли, қурғоқчилик жуда кам бўлади ва бу зонанинг ерларида маккажўхори айниқса яхши ўсади. Мен шу зонадан вакил бўлиб келганман.

Н. С. Хрушчев. Маккажўхорига сиз йўл очиб бердингиз, Ўртоқ Коротков.

С. К. Коротков. Сиз йўл очиб бердингиз, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Маслаҳатни мен бердим-у, аммо йўлни сиз очдингиз. Айтишларига қараганда, сизларнинг районингиздаги тажриба станцияси маккажўхори етиштиришнинг уддасидан чиқа олмапти, сизлар эса унинг жонига аро кириб қолибсизлар, сизлар маккажўхори етиштиришни қойил қилдингиз, ажойиб ҳосил етиштираётирсиз.

С. К. Коротков. Никита Сергеевич, тажриба станциясига Лукьяненко директор бўлиб турган вақтда бу станция маккажўхори экишни уддалаш ўйида турсин, ҳатто директори партия конференцияларида ва агрономия кенгашларида маккажўхорига уч марта қарши чиқди. Маккажўхорини ёқлаб якка ўзим жанг қилишга мажбур бўлдим.

Н. С. Хрушчев. Сиз бу жангда ютиб чиқдингиз, бунинг учун сизни табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

Серҳосил бўлган 1940 йилда, дейди ўртоқ Коротков, колхознинг бутун ялпи маҳсулоти 2747 минг озуқа единицасидан иборат бўлди. Ўтган йилнинг иқлим шароити ноқулай бўлган эди. Лекин маккажўхори туфайли ва ердан тагин ҳам самаралироқ фойдаланиш сабабли шу ернинг ўзидан 8790 минг озуқа единицаси, ёки 1940 йилдагига қараганда 3,5 баравар кўп озуқа единицаси олдик.

Ўтган йил, дейди ўртоқ Коротков, колхоз давлатга 1940 йилдагига қараганда гўштни 53 баравар кўп, сутни 14 баравар кўп сотди. Яроқли ерларнинг юз гектарига ҳосилоганда хўжалик 500 центнердан кўпроқ сут етиштириб берди. Биз 1960 йилда ҳар бир колхоз хонадонига 1520 литр сутни ўз таннархида — ҳар бир литрини 50 тийиндан сотдик. Ҳар ким сутни истаганича олаверсин дедик.

Н. С. Хрушчев. Яхши. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Коротков сўзини давом эттириб, бундай деди: Маккажўхори туфайли шу қадар кўп чорвачилик маҳсулотлари олиш мумкин бўлиб қолди. Ери қора тупроқ бўлмаган зонада фақат маккажўхорини кўп экиш йўли билан ем-хашак базасини мустаҳкамлашимиз мумкин. Ери қора тупроқ бўлмаган зонадаги ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз маккажўхорининг думбул сўталари билан бирга ҳар бир гектардан 600 центнердан то 1500 центнергача кўк поя олиши мумкинлигига мен жуда ҳам аминман.

Н. С. Хрушчев. Тўғри. **(Қарсаклар).**

Сиз, Никита Сергеевич, бизга маккажўхорини дон олиш учун экиш керак деб маслаҳат берган йилингизда, — дейди ўртоқ Коротков, — биз ҳар бир гектардан 160 центнердан дон олдик. Маккажўхорининг «Успех» деган навини эккан эдик. Ўша йили ҳақиқатан ҳам 15 октябрга қадар совуқ тушмаган эди. Колхозчилар жон-диллари билан ишладилар ва натижа яхши бўлиб чиқди. Яна «Воронежская-76» деган нав бор. Бизнинг шароитимизда бу тез пишар навни экиб дон олиш мумкин. Бу билан биз ери қора тупроқ бўлмаган зонада галлани кўпайтирсак бўлади, давлатга донни кўпроқ топширишимиз мумкин бўлиб қолади ва чорва молларни боқиш учун ўзимизда ҳам кўпроқ ем қолади.

Н. С. Хрушчев. Экиб кўринглар, ўртоқ Коротков.

С. К. Коротков. Шундай қиламиз, Никита Сергеевич. Бошқа экинлар тўғрисида, жумладан, нўхат тўғрисида гапириб ўтай. Биз шудгор ерларга кўпдан бери нўхат экиб келамиз. Бундай нўхатнинг ҳосили кўп бўлади, айниқса емхашакни кўпайтиради. Шудгорга экилган нўхатдан бир ярим миллионга яқин озуқа единицаси олмоқдамиз. Маккажўхори, нўхат билан бир қаторда биз бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар экмоқдамиз.

Н. С. Хрушчев. Нўхатдан қандай ҳосил оляпсизлар?

С. К. Коротков. Шудгорга экилган нўхатнинг ҳар гектаридан 18-20 центнердан ҳосил оляпмиз.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Коротков, мен сизларга нўхатни квадрат-уялаб экишни маслаҳат берар эдим. Шу усулда экилган нўхатга узунасига ва кўндалангига иккиуч марта ишлов бериш керак. Бундай нўхат экилган ерни тоза шудгор деб ҳисоблаш мумкин. Нўхат кўтарилиб шохлай бошлаганидан кейин унга ишлов беришни тўхатса бўлади. У ерни қоплаб олиб, бегона ўтларни йўқотади, ернинг нами ҳам сақланиб қолади. Нўхатнинг ҳосилини йиғиштириб олгандан кейин, бундай ерни ҳайдашнинг кераги йўқ. Дискали мола билан бир марта мола бостириб қўйсангиз, келаси йил ҳосил ола берасиз. Буни бир синаб кўринг!

С. К. Коротков. Шундай қиламиз, Никита Сергеевич...

Ўртоқ Коротков колхозларнинг раисларига сезгирлик билан муомала қилиш зарурлиги ҳақида гапириб бундай деди: Районларда, министрликлар ва бошқармаларда раислар тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилишмайди. Жойларда колхозларнинг раисларига ва совхозларнинг директорларига қандайдир қуруқ муомала қилишади.

Н. С. Хрушчев. Яхши ғамхўрлик қилиш керак. **(Қарсаклар).**

Биз, Вурнар районидаги В. И. Ленин номли колхознинг колхозчилари, коммунистлари, комсомоллари партия Марказий Комитетига қасамёд қилиб шуни айтамизки, — дейди ўртоқ Коротков, — бизга қилинаётган ғамхўрликка ва илтифотга жавобан тагин ҳам яхшироқ меҳнат қила берамиз, мамлакатга ва халққа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етказиб бераверамиз.

Ўтган йил Сталинград областининг колхозлари ва совхозлари, дейди КПСС Обкомининг биринчи секретари **А. М. Школьников,** — ўз мажбуриятларини бажардилар ва давлатга 111 миллион пуд дон сотдилар. Чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш планлари ҳам бажарилди. Бироқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашда эришилган даража партия Марказий Комитетининг қўйган вазифаларига ҳали жавоб беролмайди. Областда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган талаби тўлиқ қондирилмаётир.

Районларнинг кўпчилигида, дейди ўртоқ Школьников, муттасил мўл ҳосил олишга ҳали эришилгани йўқ. Шу сабабли, бошоқли экинларнинг ва маккажўхорининг ҳосилдорлигини айниқса деҳқончилик маданиятини кўтариш йўли билан ошириш биринчи даражали ишдир. Маккажўхори экишни яхшилашга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Маккажўхорини дон олиш учун экиш билан жиддий шуғулланишга тўғри келади, чунки шундай қилинмаса, донннинг ялпи ҳосилини кўпайтириш вазифасини ҳал қилиб бўлмайди.

Заволжьедаги ерларни суғориш ва Волга — Оқтуба районидаги қайир ерларни ўзлаштириш қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг муҳим проблемасидир. Сталинград гидроэлектростанциясини ва энг катта сув омборини қуриб битказиш натижасида яқин вақт ичида бу вазифани ҳал қилиш учун реал имконият вужудга келтирилди. Заволжье районларида 2,2 миллион гектар ер бор ва бу районлар анча кўп миқдорда дон ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериши мумкин. Бироқ, областнинг қурғоқчилик энг кўп бўладиган ва зонасида экинлардан сира муттасил ҳосил олиб бўлмаётир.

Заволжьеда 800 минг гектарга яқин ерни суғориш ва 1,4 миллион гектар ерни сув билан таъминлаш мумкин. Суғорилган ерлардан дон ва озуқа экинлари экиш учун фойдаланмоқчимиз. Ерларнинг анча қисмига маккажўхори экмоқчимиз. Суғориладиган ерлардан бундай фойдаланиш барқарор емхашак базаси вужудга келтиришга ва Заволжьени юксак даражада ривожланган чорвачилик районига айлантиришга имкон беради. Бу ерларда шоликорлик билан ҳам шуғулланмоқчимиз.

Волга — Оқтуба районидаги қайир ерларни ўзлаштириш хилма-хил экинлар экиб, ҳосил етиштирмоқ учун жуда катта имконият очиб беради. Бу район территориясида камида 59 минг гектар унумдор ерларни суғориш планлаштирилмоқда. Бу эса, ҳар йил 800 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва картошка, 90 минг тоннага яқин мева ва резавор мева етиштиришга, сут чорвачилигини яхши ривожлантиришга ва камида икки миллион ўрдак ва ғоз боқишга имкон беради. Волга — Оқтуба районидаги қайир ерлар тўла равишда ўзлаштирилганида давлатнинг бу иш учун сарфланадиган харажатлари кўпи билан 4-5 йил ичида қопланади.

Сталинград область партия ташкилоти, область меҳнаткашлари, — дейди ўртоқ Школьников, — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ, улуғ Коммунистик партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони донгдор механизатор ўртоқ **А. В. Гиталов** Пленум минбарига чиқади.

Кировоград областида мен ишлаб турган Партия XX съезди номли колхоз, — дейди ўртоқ Гиталов, — об-ҳаво шароити ғоят ноқулай бўлган 1960 йилда ҳар бир гектардан 20,5 центнердан ғалла, маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 30 центнердан дон олди.

Моҳир ва донгдор жўхорикор ажойиб рақамлар келтириб, чопиқ қилинадиган экинларни парвариш қилиш ишларини комплекс механизациялашнинг фойдали жиҳатларини кўрсатиб берди. Ўтган йил колхозда ҳар бир центнер маккажўхори донини етиштиришга 0,37 меҳнат куни ва ҳар бир центнер маккажўхори кўк пояси етиштиришга 0,05 меҳнат куни сарфланди. Маккажўхори донининг ҳар бир центнери эса янги пул билан ҳисоблаганда 47 тийинга тушди, маккажўхори кўк поясининг ҳар бир центнери 6 тийинга тушди. Колхозимиз, дейди таъкидлаб ўртоқ Гиталов, маҳсулот таннархни етти йилликнинг охирида шу даражага етиштиришни мўлжаллаб қўйган эди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев, колхозларни ва совхозларни мустаҳкамлаш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликлари ҳақида нотиқ фахрланиб гапиради. Хўжаликлар кудратли тракторлар билан, ўзиюрар комбайнлар, осма қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа мураккаб техника билан йилдан-йилга тобора кўпроқ таъминланмоқдалар.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Гиталов, — маккажўхорининг гектаридан 30 центнер эмас, балки 50 центнердан ҳосил олишни ўйлаб кўрдингизми?

А. В. Гиталов,. Никита Сергеевич, мен бу ҳақда, албатта, гапираман.

Сўнгра нотиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашдаги камчиликлар ҳақида гапиради. Нутқимнинг ёзиб қўйилган текстини бирёққа йиғиштириб қўя қолай, — дейди ўртоқ Гиталов, — ёзувсиз ўзимча гапирганим яхшироққа ўхшайди.

Н. С. Хрушчев. Ёзилган сўзингизни йиғиштириб қўйиб, кўнглингиздагини гапираверинг, шундай қилсангиз яхшироқ бўлади.

Донгдор механизатор мамлакатнинг кўпчилик хўжаликларида чопиқ қилинадиган экинларни парвариш қиладиган ва чорвачилик учун керакли механизмлар комплекси ҳали ҳам йўқлигини айтиб, бунинг учун СССР Давлат план комиссиясини, халқ хўжалик кенгашларини ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигини танқид қилади. Шу вақтгача кўп колхозлар маккажўхорини парвариш қилишда, айниқса уяларни ишлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва ташиш ишларида қўл меҳнатидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги учун механизмлар ва деталлар ишлаб чиқараётган баъзи заводлар буларни сифатсиз тайёрлаб бермоқдалар. Колхозлар, масалан, Тула занжирлари ўрнатилган комбайнларни сотиб олишдан бош тортмоқдалар, улар Новосибирск заводининг занжирлари ўрнатилган комбайнларни афзал кўрмоқдалар.

Н. С. Хрушчев. Эҳтимол, новосибирликлар тулаликларга техникани яхшилаш тўғрисида ўз тавсияларини айтарлар. Тулаликлар ўзларининг ажойиб мастерликлари билан машҳур бўлган эдилар, Лесков, тулаликлар бурганинг оёғига тақа қоққан деб бекорга ёзган эмас, аммо энди улар занжирларни тузук ишлаб бермаётирлар.

А. В. Гиталов. Шундай қилиш кераклиги очиқ кўриниб турибди, Никита Сергеевич. Аммо Тула занжирининг ҳам, Новосибирск занжирининг ҳам нархи битта. Нега шундай бўлаётганлигини текшириб кўриш керак. Эҳтимол, Тула заводидаги ўртоқлар менинг танқидимдан хафа бўлсалар керак. Лекин маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш ишлари қизғин бораётган пайтда Тула заводининг бош инженери ва технологи комбайнга ўтқизиб қўйилса-ю, улар комбайн ҳар икки марта айланиб келганида унинг занжирини ўзгартиришга мажбур бўла берсалар, ўзларини қандай ҳис қилган бўлур эдилар. Ҳозир шундай бўлаяптики, завод планни бажаришнигина ўйлаб, маҳсулотнинг сифати тўғрисида ғам емаётир. Ахир, завод кимни алдаяпти?

Н. С. Хрушчев. Буни Давлат контроль комиссияси текшириб кўрсин.

Ўртоқ Гиталов планлаштирувчи ташкилотлар комплекс механизациянинг муҳим қисмини, транспорт воситаларини унутиб қўяётганликларини танқид қилади. Давлат план комиссияси, — дейди нотиқ, — 1961 йилда Херсон заводиннг 30 минг комбайн чиқаришини ва фақат 11 минг транспорт тележкаси чиқаришини планлаштирибди. Ваҳоланки, ҳар бир комбайнга камида тўрт-бешта тележка керак.

Н. С. Хрушчев. Бу ерда Украина республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Марказий Комитет аъзолигига кандидат Ўртоқ Сенин ўтирибди. Сиз бунни унга, ёки Украина Халқ хўжалиги кенгашининг раисига айтганмидингиз?

А. В. Гиталов. Айтганман.

Н. С. Хрушчев. Хўш, улар бунга қандай қаращди, қулоқ солишмаяптими?

А. В. Гиталов. Қулоқ солишяпти-ю, аммо тележкалар беришмаяпти. **(Залда шодиёна жонланиш, қарсаклар).**

Модомики, биз маккажўхори билан шуғуллана бошлаган эканмиз, — деб давом қилади ўртоқ Гиталов, — демак, плуглар, сеялкалар, тележкалар, тракторлар, юк ортиш ва бўшатиш воситалари, сўтани арчиб берадиган машиналар, сушилкалар керак. Агар шу машиналарнинг ҳаммаси қўлимизда бўлса, мана шунинг ўзи комплекс деб айтилади, ана шунда ҳамма нарса арзон ва яхши бўлади. Аммо биз арава қўшиб юрибмиз.

Н. С. Хрушчев. Бундан чиқди, автомашиналарга хўкиз қўшилаётган экан-да.

А. В. Гиталов. Ҳа, автомашиналарга хўкиз қўшиляпти деса бўлади. Бундай қилиш ярамайди. Бу нарсаларнинг ҳаммасини бир йўла комплекс қилиб ишлаб чиқиш керак.

Партия Марказий Комитети, Никита Сергеевич Хрушчев, — дейди сўнгра ўртоқ Гиталов, — бизга маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 50 центнердан дон олиш керак, деб айтишяпти. Биз, механизаторлар бу таклифни тўла равишда қувватлаймиз. КПСС Марказий Комитетининг Пленумига келаётган вақтимда бригадамизнинг механизаторлари бу йил маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 50 центнердан дон ва сўтаси билан ҳисоблаганда 350 центнердан кўк поя оламиз, деб ваъда беришди. Маккажўхоридан мўл ҳосил олиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш учун умумхалқ курашини авж олдириш тўғрисида мамлакатнинг ҳамма механизаторларига бригада номидан мурожаат қилиш менга топширилди.

Донгдор механизатор партия Марказий Комитетига, Никита Сергеевич Хрушчевга дала меҳнаткашларини Пленумга чақириб, уларга юксак ишонч билдирганликлари учун ташаккур айтади. Украина механизаторлари, — дейди Гиталов, — республика ғаллакорларининг ўтмишдаги шуҳратини яна тиклаш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

КПСС Новосибирск обкомининг биринчи секретари Ўртоқ **Ф. С. Горячевга** сўз берилади. Ўтган йил, дейди у, — бизнинг областимиз давлатга 78 миллион пуд ғалла, 106 минг тонна картошка, 115 минг тонна гўшт, 536 минг тонна сут ва бошқа маҳсулотлар сотди. Гўшт, сут, тухум, картошка сотиш планлари ошириб бажарилди. Бироқ, ғалла тайёрлаш топширғи бажарилмай қолди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумига тайёргарлик кўрилаётган даврда Новосибирск областининг колхозлари ва совхозлари экинларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлайдиган агротехника, зоотехника чоралари ва ташкилий чоралар комплексини қишлоқ хўжалик мутахассислари ва илмий ходимлар иштироки билан ишлаб чиқдилар. Бу йил, жумладан ўрта пишар ва эрта пишар буғдой навларини экиш кенгайтирилади. Сули экиш камайтирилади, аммо бунинг ҳособига арпа экиладиган майдон кўпайтирилади, чунки Сибирда арпанинг ҳар бир гектаридан сулига қараганда 3-4 центнер кўп дон олинади. Дуккакли экинлар ҳосилини етиштириш кўпайтирилади. Бундай экинлар 130-140 минг гектар ерга экилади.

Ўтган йил, дейди нотиқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳати билан баъзи колхозлар ва совхозлар областнинг турли зоналарида гречиха, тариқ, қанд лавлаги экиб, тузук натижаларга эришдилар. Энди шу экинларни, шунингдек кудриш-зигирни экишга анча кўп эътибор берилди.

Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва ерларнинг бегона ўтлар босиб кетишини йўқотиш мақсадида область хўжаликлари чопиқ қилинадиган экинлар экишни кенгайтиришни: маккажўхори экиладиган майдонни 300 минг гектарга, қанд лавлаги экиладиган майдонни 100 минг гектарга, картошка экиладиган майдонни 40 минг гектарга ва кўп йиллик ўтлар экиладиган майдонни 80 минг гектарга етказишни планлаштирмоқдалар. Ёзда шудгор қилиб қўйиладиган ерлар ҳам кўпайтирилади, бу ерларнинг анча қисмига викасули ва нўхат аралаштириб экиб қўйилади. Шу чораларнинг ҳаммаси областнинг экинлар ҳосилини оширишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни кўпайтиришга имкон беради.

Новосибирликлар, дейди нотиқ, ҳосил ўрим-йиғими даврида мамлакатнинг бошқа областларидан механизаторларни ёрдамга чақиришдан воз кечишга қарор қилдилар. Область саноат корхоналарининг коллективлари қишлоқ учун икки минг механизатор тайёрлаб бердилар. Бу йил корхоналар, ўрта мактаблар, ДОСААФ, техникумлар ва институтлар яна тўрт минг тракторчи ва комбайнчи тайёрлаб беришади.

Нотиқ жамоат чорвачилигини ривожлантиришдаги камчиликларни тугатишга қаратилган баъзи чораларга тўхталиб ўтди. У дедики, колхоз ва совхозларда сигирлар боқиш билан шуғулланадиган 140 та махсус фермалар ташкил қилинмоқда. Бу фермалар учун яхши зотли гунажин ва бузоқлар танлаб олинмоқда. Бу тадбир бу йил мавжуд сигирларга қўшимча яна 50-60 минг бош сигир ўстиришга ва давлатга 570 минг тонна сут сотиш планини бажаришга имкон беради.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат қишлоқларни обод қилиш, йўллар, элеваторлар, ғалла складлари қуриш ишида кейинги йилларда Новосибирск областига катта ёрдам кўрсатдилар. Етти йил ичида қишлоқ қурилишига 7 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиши керак. Бизнинг фикримизча, — дейди ўртоқ Горячев, — областларда хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган йирик қурилиш ташкилотларини дадиллик билан туза бериш керак. Бу тадбир кадрлар ва техникани бир жойга тўплашга, қурилишнинг сифатини яхшилашга, қурилишни арзонлаштиришга имкон беради. Шу билан бирга, халқ хўжалиги кенгашлари йирма уйларни ва стандарт деталларни анча кўп миқдорда тайёрлаб беришлари лозим. Новосибирскда, масалан, ҳар бири 100 сигирга мўлжалланган стандарт сигирхоналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундай сигирхоналарнинг ҳар бири 57 минг сўмга тушади. Халқ хўжалиги кенгаши ҳозирча колхозларга ва совхозларга 300 дан кўпроқ мана шундай тайёр биноларни сотди.

Ўртоқ Горячев Пленум қатнашчиларини ишонтириб айтдики, область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мамлакатимизда мўл-кўлчиликни вужудга келтириш учун умумхалқ кураши ишига катта ҳисса қўшадилар.

КПСС Москва комитетининг биринчи секретари **Г. Г. Абрамов** пойтахт области қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи рақамларни келтириб дедики, хўжаликларнинг ҳамма категорияларини ҳисобга олганда, кейинги йилларда чорвачилик маҳсулотлари жуда кам кўпайди, сут етиштириш эса, 1960 йилда ҳатто камайиб кетди. Колхозлар ва совхозлар якка сектордаги, айниқса шаҳарлар ва посёлкалардаги сигирларнинг сони камайиб кетганлигининг ўрнини тўлдирадиган қилиб чорва моллар сонини кўпайтиришни таъминлай олмадилар.

Бунинг сабаби шуки, область партия комитети ем-хашак базасини мустаҳкамлашга, маккажўхори етиштириш илғорларининг тажрибаларини ёйишга етарли эътибор бермаётир.

Кўп хўжаликларда экин майдонларининг структурасини белгилашда катта камчиликлар бор, дон экиладиган майдонларни асоссиз камайтиришга йўл қўйилди, экинларни, айниқса чопиқ қилинадиган экинларни парвариш қилиш агротехникаси бузилмоқда. Ерларни қуруқ шудгор қилиб қўйишга асосан хотима берилганлигига, сули эса фақат дуккакли экинлар билан аралаштириб экилаётганлигига қарамай, дейди ўртоқ Абрамов, — бизда ем-хашак ресурслари деярли кўпайгани йўқ. Шу сабабли, Москва области концентрат озуқалар сўраб давлатга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Н. С. Хрушчев. Сизлар давлатдан тайёр ем-хашак олавериб, ўзларингиз чорвачиликни ривожлантириш планларини бажардик, деб рапортлар бериш билан шуғулланмоқчисиз.

Г. Г. Абрамов. Бизларнинг шаънимизга қилинган таҳқид тўғри. Концентрат озуқаларга ҳам бўлган ўз эҳтиёжларимизни энг кўп даражада таъминламоқ учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш ва барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ишларига асосий эътиборни берамиз.

Н. С. Хрушчев. Яхши, ҳисоблаб кўринглар. Шини билиб қўйинглар, куз келади, бугун айтаётган гапларингиз учун ҳисоб беришга тўғри келади.

Г. Г. Абрамов. Албатта, Айтган сўзларимизни ва келтирган маълумотларимизни тушунамиз ва булар учун тўла равишда жавоб берамиз.

Ҳозир, дейди сўнгра ўртоқ Абрамов, — ҳамма хўжаликларда экин майдонларининг структураси қайтадан кўриб чиқилмоқда. Маккажўхорининг аҳамияти ғоят катта эканлигини яхши биламиз. Бу йил маккажўхори экиладиган майдонни 15 минг гектар кўпайтириб, 110 минг гектарга етказмоқчимиз. Бир йиллик ўтлар экишни камайтириб ва силос бостириш учун кунгабоқар сингари кам ҳосил экинлар экишни батамом тўхтатиб, буларнинг ўрнига дон экишни анча кўпайтирамиз, гречиха экиладиган майдонни эса 1,8 минг гектардан 15 минг гектарга етказамиз.

Н. С. Хрушчев. Ўтган йил силос бостириш учун қанча ерга кунгабоқар экилган эди?

Г. Г. Абрамов. 14 минг гектар.

Н. С. Хрушчев. Буни сизларга ким тавсия қилган эди?

Г. Г. Абрамов. Хеч ким тавсия қилган эмас, албатта. Шундай бўлиб чиқдики, баъзи бир кишилар осонроқ йўлдан бордилар. Биз ем-хашак базасини вужудга келтириш ишларини яхши контроль қилиб турмадик.

Н. С. Хрушчев. Биргина контролнинг ўзи ёрдам бермайди. Одамларга тушунтириш ҳам керак. Бу нарса хўжалик учун зарар келтиришини кўрсатиб беринглар.

Г. Г. Абрамов. Ҳақиқатан ҳам кейинги тўрт йил ичида ҳар йил тахминан 15-20 минг гектар ерга кунгабоқар экилар эди. Айтиш мумкинки, уни асосан ношуд раислар экар эди. Улар ҳар йил кунгабоқарнинг ҳар бир гектарид

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ АҚШ ҲУКУМАТИГА НОРОЗИЛИК НОТАСИ

СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов 14 январда АҚШнинг Москвадаги элчиси Л. Е. Томпсонни қабул қилди ва Америка ҳарбий кемаларининг иғвогарлик ҳаракатлари муносабати билан Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига норозилик нотасини унга топширди.

Шу нота қуйида эълон қилинади:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди.

Ҳозир Кариб денгизининг бетараф сувларида турган совет танкери «Свердловск»нинг капитанидан ҳозиргина олинган хабарга қараганда, Америка соқчи кемаси танкерга яқин келиб, ўзида ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда, пароходни дарҳол тўхтатишни талаб қилган. Сал фурсатда АҚШнинг яна иккита ҳарбий кемаси танкер яқинига келиб, улар ҳам «Свердловск» капитанидан кемани тўхтатишни талаб қилганлар.

«Свердловск» совет танкерига нисбатан Америка ҳарбий кемаларининг қилган ҳаракатларига очиқ денгизда кемаларнинг бемалол қатнаши принципларини қўпол равишда бузишдан ва халқаро ҳуқуқ нормаларини поймол қилишдан бошқа нарса эмас, деб баҳо бермаслик мумкин эмас.

СССР ҳукумати Америка ҳарбий кемаларининг иғвогарлик ҳаракатлари муносабати билан, АҚШ ҳукуматига норозилик билдиради, бундай ҳаракатларни тўхтатишни ва бу иғвогарликларни қилишда айбли бўлган шахсларни жазолашни талаб қилади.

Москва, 1961 йил 14 январь».

ИҒВОГАРЛИК СИЁСАТИГА ХОТИМА БЕРИЛСИН

СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллигининг баёноти

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллиги АҚШнинг Кубага қарши янги агрессив ҳаракатлари муносабати билан баёнот эълон қилди. Баёнотда айтилдики, Хавфсизлик Кенгашининг АҚШ билан Куба ўртасидаги муносабатларда рўй берган танг аҳволни қараб чиққан яқиндаги мажлисидан кейин ҳам янги фактлар аниқланди. Бу фактлар АҚШнинг ҳозирги ҳукумати Кубага қарши тўғридан-тўғри агрессия қилишга тайёргарликни давом эттираётганлигидан далолат беради. Америка матбуотида босилган хабарлардан маълум бўлишича, кейинги вақтларда ҳарбий кучлар Кубага бостириб кириш учун актив тайёргарлик кўрмоқда. Бу тайёргарлик АҚШ ҳукумати раҳбарлик ролини ўйнаётгани ҳолда Гватемала территориясида амалга оширилмоқда. Гватемаладаги Реталулеу шаҳри яқинида Америка пулига ошиғич равишда ҳарбий аэродром қурилиб, бу аэродромга «Б-26» типидаги бомбардимончи самолётлар ва бошқа ҳарбий самолётлар жойлаштирилди. Аэродромда Америка инструкторлари раҳбарлигида ҳар куни Кубага ҳаводан ҳужум қилишга ва десант туширишга тайёргарлик машқлари ўтказилмоқда.

Айни вақтда бу ҳарбий-ҳаво базасидан ўн миля нарида десант қўшинлари тайёрланмоқда. Бунинг устига, Гватемала маъмурлари кейинги кунларда «ҳарбий-денгиз тайёргарлиги» программаси деб аталмиш программани бошлаш ниятида эканликларини эълон қилдилар. Ҳолбуки ҳозирги вақтда Гватемала Ўзининг ҳарбий-денгиз флотига эга эмас.

АҚШ ҳукуматининг Америка ҳарбий-денгиз флотини «маневрлар» ўтказиш ниқоби остида Куба соҳилларига юборганлиги сингари ҳарбий-стратегия тадбирлари, дейилади сўнгра баёнотда, бутун жаҳон жамоатчилигини жиддий равишда ташвишлантирмоқда. Бу операцияда АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг 150 кемаси, шунингдек шахсий составидан 140 минг киши қатнашмоқда.

АҚШнинг Кубага қарши кейинги ҳаракатлари муносабати билан, дейилади баёнотнинг охирида, шундай бир ҳақли савол туғиладики, Америка ҳукумати жаҳон афкор оммасининг фикри билан, бундан бир неча кунгина муқаддам АҚШ нинг Кубага нисбатан ҳар қандай агрессив тадбирларига қарши норозилик билдирган Хавфсизлик Кенгаши кўпчилик аъзоларининг коллектив фикри билан ҳисоблашишни ўйлайдими? Тинчлик манфаатлари Куба халқига қарши иғвогарлик сиёсатига хотима берилишини талаб қилаётганлиги шубҳа туғдирмайди.

КОНГОДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 14 январь. (ТАСС). Кеча Конго қонуний ҳукуматининг бошлиғи Патрис Лумумба Тисвиль горнизонининг қўзғолон кўтарган солдатлари томонидан тюрьмадан озод қилинди, бир неча соат давомида озодликда бўлди.

Конго халқининг ҳоиклари Касавубу, Мобуту ва Бомбоко, Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, рўй берган аҳволдан қаттиқ ташвишга тушиб, Лумумба билан сиёсий музокаралар олиб бориш ва уни Конго қўғирчоқлари томонидан планлаштирилаётган «тўғарак стол» деб аталмиш кенгашда қатнашишга кўндириш мақсадида кеча ошиғич равишда Тисвилга етиб келишган. Аммо, Лумумба Конго исёнчилари бошлиқлари билан бирор музокара олиб боришдан қатъий равишда бош тортган ва Тисвиль горнизонининг қўзғолони бостирилганидан кейин яна камерага жўнатилган.

Леопольдвилга қайтиб келганидан кейин Мобуту кеча Франс Пресс агентлиги мухбирига: «Тисвилда нормал аҳвол ўрнатилганлигини ва Патрис Лумумба тюрьмада сақланаётганлигини» айтган.

ЛАОСДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ХАНОЙ, 14 январь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг «Патет-Лао овози» радиосига асосланиб хабар қилишича, Патет-Лао жанговар отрядлари ва Қўйи Лаос аҳолиси исёнчиларга кучли зарбалар бермоқдалар.

Радионинг хабар қилишича, январь ойининг бошларида Патет-Лао кучлари ва уларга мадад бераётган аҳоли Муонг-Май уездидан Аттопе вилоятидаги Бан-Пун қишлоғи томон бораётган исёнчилар қўшинларига ҳужум қилганлар.

Айни бир вақтда Патет-Лао жанговар отрядлари душманнинг шу вилоятдаги Бан-Ук деган жойда бўлган позициясига ҳужум қилган.

2 ва 3 январь кунлари Патет-Лао жанговар отрядлари Бан-Пуидаги душман позицияларига ҳужум қилганлар ва шу қишлоққа олиб борадиган йўлларга пистирмалар қўйганлар.

Патет-Лао жанговар отрядлари халқ қуролли кучлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, Понг-Хенга ҳужум қилганлар. Понг-Хен Саваннакетдан 70 километр нарида, 9- тош йўлда душманнинг муҳим позициясидир. Душман солдатларидан 20 дан кўпроқ киши ўлдирилган ва яradор қилинган, бир қанча киши асир олинган ва кўпчиклар вайрон қилинган.

ШИМОЛИЙ КАТАНГАДА ТЎҚНАШУВ

ЛОНДОН, 14 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Элизабетвилдан хабар беради: Луалаба янги автоном вилоятининг маркази Манонода (Шимолий Катанга)—бу ерда Конго қонуний ҳукуматининг ҳокимияти ўрнатилган—Конго миллий армиясининг қисмлари билан бу ерга келган БМТ қўшинлари ўртасида кеча тўқнашув рўй берган.

БМТ қўшинлари қўмондонлигининг тасдиқлашича қонуний ҳукумат қўшинлари билан Катанга қўғирчоқ ҳокими Чомбе шайкалари ўртасида «гражданлар уруши бошланишининг олдини олиш» мақсадида яқинда Манонога БМТ қўшинлари батальони юборилган эди.

Америка Югославияга яна қарз берди

БЕЛГРАД, 14 январь. (ТАСС). Белграддаги АҚШ информация хизматининг хабар қилишича, Американинг иқтисодий тараққиёт фонди Югославияга жами 27700 минг доллар миқдорида уч марта қарз беражаги ҳақида уни хабардор қилган.

ФРАНЦИЯНИНГ ТУНИСГА ҚАРШИ АГРЕССИВ ҲАРАКАТЛАРИ

ТУНИС, 14 январь. (ТАСС). Тунис Африка Пресс агентлигининг билдиришича, 11 январь давомида Жазоирдаги француз армияси Тунисга қарши бир қатор агрессив ҳаракатлар қилган. Француз ҳарбий авиацияси Тунис осмонига бир неча марта бостириб кирган. «Б—26» типидаги икки самолёт Тунис территориясида учиб юриб, Тхала районида (Кассерин вилояти) Жебель Саббила ва Рас Серк Мриа пунктларини бомбардимон қилган. Катта калибрли француз артиллерияси Тхала ва Айн Драм секторларида Тунис чегара районини ўққа тутган. Аҳолига моддий жиҳатдан зарар етказилган.

— Сэр машинага ўтиришингиз мумкин...

А. Грунин фотоси (ТАСС фотохроникаси).



Қорақалпоғистон педагогика институтини тамомлаган кўпгина ёшлар Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиалида ишлямоқдалар. Бу ерда қорақалпоқ ва руслар, ўзбеклар ва қозоқлар ҳамкорликда ишлаб, катта ютуқларни қўлга киритаётирлар. СУРАТДА (чапдан): қозоқ Нурғали СОҒИТОВ, рус Нилла КОЧЕТОВА, ўзбек Жумабой ГУЛЖОНОВ ва қорақалпоқ Клим УБАЙДУЛЛАЕВ лабораторияда.

Н. Медведев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ШЕЛУХАДАН АЖОЙИБ ЛОК

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). Фарғона гидролиз заводида чигит шелухасини қайта ишлаш натижасида металлни занглашдан сақлайдиган ва электр ўтказмайдиган лок олинди. Бутуниттифоқ пластик материаллар илмий-текшириш институти фуран бирикмалари лабораторияси билан ҳамкорликда яратган технология схемаси кенг ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилди. Фарғона заводида металлни занглашдан сақлайдиган, елим сифатида ва электр изоляцияси сифатида фойдаланиладиган фуран смоласи ва локлар ишлаб чиқарадиган мамлакатдаги дастлабки установка ишга туширилди.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР

Республика Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзбекшахтострой» трести қурилиш корхоналарига кўплаб ҳозирги замон техникалари келтирилаётир. Яқинда трест таъминот бўлимига 5 тонна юк кўтарадиган бешта кучли башня крани, тўртта автокран, йигирма тўртгадан ортиқ «С-372» «АСБ-300», «СТ-32» ва «СТ-500» маркали сварка, сувоқ қиладиган агрегатлар, металларни қайта ишлайдиган 20 номдан ортиқ станоклар ва ўнларча бошқа машина ҳамда механизмлар келтирилди. Улардан ҳозир қурилиш ва бинокорлик ишларида фойдаланила бошланди.

Янги техниканинг ишга туширилиши қурувчилар меҳнатини енгилаштириш билан бирга меҳнат унумдорлигини аввалгига нисбатан 1,5-2 баравар оширди.

ИШЧИ ЁШЛАР УҚИМОҚДАЛАР

Шаҳарда 5 та кечки ишчи-ёшлар мактаби ишламоқда. Уларда саноат корхоналари ва муассасаларининг 400 дан ортиқ ишчи, хизматчилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқдалар. Оҳангарон цемент заводи қурилиши ишчиси И. Шодиев, юк ортиш-транспорт бошқармасига қарашли 2-паровоз депосининг токарлари А. Радионов, Н. Бикаев, слесарь В. Сорокин фанларни яхши ўзлаштирмоқдалар.

ШАРАФЛИ НОМ ЭГАЛАРИ

Оҳангарон савдо ходимлари орасида коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори деган номни олиш учун кураш тобора кучаймоқда. Ҳозир 15 савдо бригадаси бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган. Ойлик товарообороти планини систематик равишда 110-120 процентдан бажараётган, савдо маданиятини кўтариб, оилада, юриш-туришда, ўзаро ёрдам беришда яхши натижаларга эришган бригадалардан 5 тасига коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди. Бу номга сазовор бўлган магазин ва ошхоналар орасида 26-, 2-, 1-магазинлар (мудирлари Даминов, Қосимов, Зоҳидов), шунингдек 3-ошхона (бригада бошлиғи ошпаз Қузьмина) ва бошқа савдо ташкилотлари бор.

А. КУКИЕВ.

Янги брошюралар

Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти яқинда янги брошюралар нашр этди. Улар орасида ўртоқ Г. Исамуҳамедовнинг «Коммунизм қуриш — совет халқининг олий мақсади», С. Азимжонова ва Д. Валиева ўртоқларнинг «Осиё ва Африка хотин-қизлари миллий мустақиллик, тинчлик ва демократия учун курашда», А. Мамедов ҳамда В. Бессарабов ўртоқларнинг «Нархлар миқёсини ўзгартириш ва муомаладаги пулларни янги пулларга алмаштиришнинг аҳамияти», ўртоқ С. Хабированинг «Ўқувчилар бригадалари иши тажрибасидан» брошюралари ва бошқалар бор.

Брошюралар оммабоп, содда тилда ёзилган.

М. МАҲКАМОВ.

Кашмир ҳақида илмий асар

Ўзбекистон Фанлар академиясининг нашриёти тарих фанлари кандидати У. А. Рустамовнинг «Ҳозирги Кашмир» деган китобини нашр этди.

Асар автори бу мамлакатнинг узоқ ўтмиши ҳақида, инглиз мустамлакачилигининг ёмон оқибатлари тўғрисида, Ҳиндистон Республикасининг халқлари мустақилликка эришгандан кейинги янги ҳаёт тўғрисида ҳикоя қилади.

Китобда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон, шу жумладан Кашмир халқлари ўртасидаги сиёсий иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақида ҳикоя қиладиган материаллар қатта ўрин эгаллайди. Бу халқлар ўртасидаги бевосита савдо муносабатлари эрамиздан илгариги IV асрдаёқ бошланганлиги кўрсатилади. Ҳиндистон Ўрта Осиёга нодир тошлар, газламалар, бўёқлар упа-элик, чой ва бошқа товарлар етказиб берган. Ўрта Осиё халқлари етказиб берган маҳсулотлар орасида эса шойи газлама, сукно, ип газлама, гилам ва мўйна бўлган.

Китоб содда ва тушунарли тилда ёзилган бўлиб, фотосуратлар билан таъминланган. Иловада қуйидаги ҳужжатлар бор: 1846 йилдаги Амритсар шартномасининг тексти 1948-1949 йилларда Кашмирдаги сиёсий аҳволга оид БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий материаллари, Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг Кашмирда бўлишига доир ҳужжатлар, шунингдек Жамму ва Кашмир штатларининг бошлиғи Юваражи Каран Сингхнинг СССР га сафарига оид ҳужжатлар бор. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ—ЮРТ БОЙЛИГИ

АҲОЛИ МИННАТДОР

Марғилон шаҳрида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Ўтган йили касалхоналардаги ўринлар сони 1965 йилда мўлжалланган даражага, яъни 625 тага етказилди.

Кейинги икки йил ичида шаҳарда бир неча шифохона, болалар яслилари қад кўтарди. Ҳамма саноат корхоналарида соғломлаштириш пунктлари ишлаб турибди. Юзга яқин врач, икки юз кишидан ортиқ малакали медиклар халқ хизматида.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими етти йилликнинг учинчи йили — 1961 йилда аҳолига яхшироқ хизмат қилиш режаларини тузди.

А. РЎЗИЕВ.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТЕРМИЗ (телефон орқали). Бу ерда республика врачлар малакасини ошириш институтининг сайёр илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда республикамизнинг йирик медик олимлари, область медицина ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияда медицина фанлари докторларидан Р. А. Абдуллаев «Жигар касалликларини даволашнинг ҳозирги замон методлари», профессор Я. Я. Гордон «Жигар касаллигида асаб синдромлари», профессор Д. М. Абдурасулев «Ошқозон-ичак тракти касаллигининг рентген диагностикаси», профессор Б. Л. Бронштейн «Ички органлардаги рак касаллигини олдиндан аниқлаш», Сурхондарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг бош терапевти К. П. Генс «Область касалхоналари материаллари бўйича жигар касалликларини даволаш» деган темаларда доклад қилдилар. Ҳаммаси бўлиб ўн беш илмий доклад тинглади ва муҳокама қилинди.

Ш. СИДДИҚОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ПАРТИЗАНЛАР ЯНА УЧРАШДИЛАР

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Бундан 16 йил муқаддам жанговар дўстлар — партизан отрядининг командири комсомол аъзоси Луқмон Ўроқов ва халқ қасосчилари ротасининг политруги Василий Ломако Брест яқинидаги кичик бир қишлоқда ҳайрлашган эдилар. Мислсиз жасорат кўрсатган бу қаҳрамонларнинг жанговар ишлари ҳақида Белоруссия қишлоқларида кўпгина афсоналар тарқалган эди. Улар бошқа партизанлар билан биргаликда гитлерчиларнинг 1500 солдат ва офицерини ўлдирдилар, 27 эшелонни ҳалокатга учратдилар, олтита полиция гарнизонини яксон қилдилар. Дўстлар уруш тамом бўлганидан кейин ҳам бир-бирлари билан алоқани узмаслик ҳақида аҳдлашган эдилар. Бироқ, янги ишлар дўстларни мамлакатнинг турли томонларига боришга мажбур қилди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин Луқмон Ўроқов ўз юрти — Ўзбекистонга қайтиб келди. Василий Ломако район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлади, Ленинграддаги темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлади.

Яқинда СССР Йўллар министрлигининг старший инженери В. С. Ломако хизмат командировкасига келиб, йўлдоши билан фарқулодда суҳбатда Луқмон Ўроқовнинг қаерда яшаётганлигини билиб олди. Эртасига улар учрашдилар. Партизан отрядининг собиқ командири, ҳозир Самарқанд областидаги Митон сельпосининг раиси бўлиб ишлаётган Ўроқов собиқ политрукни самимий табриклади. Улар дўстона суҳбат охирида уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам жонажон ва яқин бўлиб қолган Белоруссия ўлкасида яна учрашишга аҳдлашдилар. Гродно шаҳрида ўтказиш мўлжалланган бу учрашувга бошқа партизанларни ҳам тўплашга қарор қилинди.

Луқмон Ўроқов уларнинг бир қанча жанговар ўртоқлари кўрсатган қаҳрамонликлар тўғрисида яқинда нашр этилган «Самарқанд область комсомоллари Улуғ Ватан уруши йилларида» деган китобда ҳикоя қилинганлигини ўз дўстига айтди. Бу китоб Самарқанд медицина институтининг старший ўқитувчиси Фарида Салоҳиддинова томонидан тузилган. Лекин, ҳамма партизанлар ҳам Гродногаги учрашувга бора олмайдилар. Ғалла-ороллик колхозчи Қултой Қулбоев, Самарқанд шаҳар комсомол комитетининг собиқ секретари Дуся Ботагирева қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар.

Луқмон Ўроқов ва Василий Ломако китоб ёзиш ҳақида келишдилар. Бу китобда кўп миллионли партизан отряди жангчиларининг қаҳрамонликлари ҳақида, уларнинг урушдан кейинги тақдирлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 ЯНВАРДА

19.00 — **Моҳир қўллар** (мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида). 19.20 — **Шурик ва Шарик** (болалар учун кинофильм, 19.40 — **Сўнгги ахборот**, 20.00 — **Совет рассомларининг жангларга доир асарлари** (Совет Армияси жангчилари учун), 20.20 — **Механизациялаштирилган чорвачилик фермасида** (ўзбек тилида телевизион очерк), 20.40 — **Севги учрашуви** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/I да **Жизель**, 18/I да **Демон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/Iда **Имон**, 18/I да **Холисхон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Раис уйланармиш**.

КИНО

Шовқин-суронли кун (кеч соат 8 яримда), **Кўчма қалъа** (кундуз ва кечқурун) — «ВАТАН».

Лўлилар чайласидаги дўстлар — «МИР», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 яримгача).

Эски Чинагода — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Йўқолган фотография (эрталаб соат 10 да), Юлюс Яконис (кундуз ва кечқурун) — СОБИР РАҲИМОВ номли.

Оливер Твист — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 18 январда

ЎЗБЕК АШУЛА, РАҚС ВА МУЗИКА

КЕЧАЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Меҳри Абдуллаева, Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова, Аюб Қодиров**, Ўзбекистон радиоси солисти **Алижон Ҳасанов**, филармония солистлари **Манзура Мўминова, Знёдулла Ҳамдамов, Сайфиддин Йўлдошев, Умар Ҳамидов, Ғафур Иногомов, Ғафур Азимов, Эргаш Тошматов, Аркадий Давидовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

20, 21 январда

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ансамблдан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова**, солистлар **Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Маннонова Анбар Мўминов, Тоштемир Шарипов, Сайфиддин Йўлдошев, Болта Шарипов**, филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

19 20, 21, 22 январда

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган

ЭСТРАДА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Учқун Ғаниев**, солистлар **Муҳаббат Мусаева, Малоҳат Дадабоева, Тўхта Рисметова**, артистлар **Э. Муҳитдинов, Ж. Қосимов, О. Абдураззоқов**, Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли: **О. Ҳасанов** (чанг), **М. Халилов** (гижжак), **Х. Юсупов** (най), **Ж. Мирҳолиқов** (доира), **М. Тошмуҳамедов** (рубоб), **В. Тягнибидний** (баян) қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

«УЗГИПРОЦВЕТМЕТ»ГА

лойиҳа тузувчи тажрибали инженерлар, металлургглар, кончилар, бойитувчилар, экономистлар, кон электромеханиклари конструкторлар, механиклар, электриклар, иситиш, саноат вентиляцияси ва газ тозалаш, инженерлик геологияси ва гидрогеологияси ҳамда темир йўл транспортига доир мутахассислар, тош йўл қурувчилар, геодезистлар ва топографлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 45-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

металл токарлари, фрезерчилар, шлифовкачилар, слесарлар, тунукасозлар прессчилар, металл киркувчилар, электросваркачилар, обрубщиклар ва қуйма наждакчилари

КЕРАК

Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (2- трамвай, 19- автобусда борилади).

АҲОЛИГА ХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

БУСТОНЛИҚ район матлубот жамияти аҳолига савдо-сотиқ хизматини яхшилаш мақсадида, Сойлиқ қишлоғида катта магазин биноси қуриб ишга туширди. Магазин озиқ-овқат, саноат моллари ва уй-рўзғор буюмлари билан савдо қилаётир.

Н. Худойназаров,
Р. Раҳимбердиев.

* * *

ОЛТИАРИҚ район, Повулғон қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозда қурилган янги клубга доимий киноустановка ўрнатилди. Колхозчилар клубда ҳар куни кинофильмларни томоша қилмоқдалар.

Э. Ҳошимов.

УРГУТ район матлубот жамияти янги йилда меҳнаткашларга янги совға тайёрлади. Район марказида «Чайная» қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Чайная» ҳузурида ошхона, чойхона ва дам олиш хоналари бор.

Н. Иброҳимов.

* * *

АНДИЖОН шаҳрида аҳолига маданий хизмат тобора яхшиланаётир. Яқинда Сталин проспекти ва Лермонтов кўчаларида яна иккита аптека очилди. Улар аҳолини зарур дори-дармонлар билан ўз вақтида таъминлаётир.

У. Эгамбердиев.

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚ ТЕАТРИ САҲНАСИДА

Мирзачўл шаҳридаги Халқ театри коллективи атоқли санъаткор Ҳамза юбилейига унинг «Заҳарли ҳаёт» трагедиясини саҳналаштирмоқда. Спектаклда ёш ҳаваскор актёрлар қатнашади.

КАТТА КОНЦЕРТ

Ўзбек Давлат эстрада театри Ҳамза туғилган кунга атаб режиссёр Бобохўжаев раҳбарлигида шоир асарларидан махсус концерт программасини тайёрлади.

Ўзбек Давлат филармониясининг коллективи Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш, телевидение комитетининг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва солистлари ижросида кенг программада бир нечта концерт тайёрлади.

«АЛПОМИШ» ЎШ ТЕАТРИДА

Ўшдаги Киров номли ўзбек Давлат музикали драма театри коллективи Собир Абдулла, композитор Т. Жалиловнинг «Алпомиш» музикали драмасини саҳнага қўйди. Асарнинг бош ролларида Қирғизистон ССР халқ артисти Тожихон Ҳасанова, Лайлихон Мамедова, театрнинг атоқли артистларидан — Ханибўтаев, Тўхтасинов ва бошқалар ўйнамоқда.

Н. ИНОҚОВ.

Редактор И. РАҲИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31225. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 01460. Нашр. А. 14.